

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.71 (658.1)**

УБАЙДУЛЛАЕВ ДОСТОН АВАЗОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ
ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

Мутахассислик: 5А230702-“Банк ҳисоби ва аудит”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

и.ф.н.,доц. Ортиқов У

ТОШКЕНТ-2017

**Диссертация Тошкент Молия институти “Банк ҳисоби ва аудит”
кафедрасида бажарилган**

Илмий раҳбар	и.ф.н.,доц. Ортиқов У
Кафедра мудири	и.ф.н.,доц. Умаров З
Магистратура бўлими бошлиғи	и.ф.н.,доц. Ортиқов У

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРAT БАНКЛАРИДА АУДИТ ЎТКАЗИШНИНГ НАЗАРИЙ- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1. Ўзбекистон Республикасида банк аудитини шаклланиши ва уни мувофиқлаштиришнинг назарий асослари.....	9
1.2. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилишнинг аҳамияти ва зарурлиги.....	18
1.3. Тижорат банкларида аудит ўтказишнинг иқтисодий мазмуни.....	25
I боб бўйича хулоса.....	38
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРAT БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ	39
2.1. Тижорат банкларида ички аудит ўтказиш тартиби.....	39
2.2. АТБ ”Ўзсаноатқурилишбанк” кредит операцияларини ички аудит таҳлили.....	54
2.3. Банк аудитида аудиторлик ҳисоботлари ва хулосаларини тақдим қилиш.....	71
II боб бўйича хулоса.....	75
III БОБ ТИЖОРAT БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	76
3.1 Ўзбекистон Республикаси банк тизимида аудиторлик текширувлари ўтказишни такомиллаштириш йўллари	76
3.2 Тижорат банкларида ички аудит ўтказишнинг молиявий манбаларини такомиллаштириш	83
III боб бўйича хулоса.....	86
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	88

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 92

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши билан боғлиқ янги иқтисодий муносабатлар аудитни ташкил этиш ҳамда уларнинг услубиётини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ҳозирги кунда республикамизни янада ривожлантириш учун катор ислохотлар олиб борилмоқда. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ушбу фикрни айтдилар: “Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни – бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар хокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак”¹. Президентимизнинг ушбу фикрларида жойларда корпоратив бошқаришни яшилаш, ички аудитни доимий ва сифатли амалга ошириш кераклиги сезилиб турибди.

Бугунги кунда жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозни содир бўлишида хўжалик юритувчи субъектларда ички назоратнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳам ўз ролини ўйнаган. Бу ҳақда олдин ҳам биринчи Президентимиз И.А.Каримов ушбу фикрни айтган эдилар: “Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади”².

Аудит тизимининг барча элементларини янги иқтисодий муносабатларга мослигини таъминлашга қаратилган энг муҳим тадбирлардан бири банкларда ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиётини такомиллаштиришдир.

¹Ш.М. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017

²И.А. Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

Марказий банк бошчилигида давлат банклари акционерлик тижорат банкларига айлантирилди ва бугунги кунда тижорат банкларнинг сони 27 тага етди. Банклар сонининг кўпайиб бориши, уларнинг барқарор ривожланишини таъминловчи умумжаҳон эътироф этган назорат дастакларидан фойдаланишни, хусусан, ички аудит фаолиятини ташкил қилиш зарурлигини кун тартибига долзарб муаммо сифатида қўйди. Шунини таъкидлаш лозимки, республикада 1996 йилда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинди ва аудит фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Ички аудитни ташкил қилиш, унинг услубиёти ва ҳуқуқий жиҳатлари ушбу қонунда ўз аксини топган. Шу боис, бугунгача иқтисодчи олимлар томонидан ички аудит масалалари юзасидан бажарилган тадқиқотлар асосан, бу борадаги муаммоларнинг замонавий ечимларини батафсил қамраб олган.

Иқтисодий эркинлаштириш босқичида ички аудит назарияси банк тизимида амалиётдан ортда қолаётганлиги туфайли тижорат банкларида ички аудит хизмати олдига қўйилган вазифалар амалга оширилмаяпти. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида ички аудит хизматининг банкларни бошқаришда фаол иштирокчисига айланиши, ахборотлар воситасида уни назорат қилиш ва таҳлилини таъминлаш, ташкилий ҳамда иқтисодий қарорларни режалаштириш, фаолият натижаларини баҳолаш каби вазифалар турибди. Шу боис, хўжалик юритиш шарт-шароитларига муттасил ва тўлиқ мос келувчи ва тижорат банклари фаолиятида юзага келиш эҳтимоли бўлган рискларни камайтирувчи назорат шакллари, шу жумладан, ички аудит хизматининг ўзига хос иш услубиётини ва техникасини ташкил этишни мунтазам такомиллаштириш талаб қилинади.

Демак, янги бир шароитда республикада банк тизимининг истиқболли ривожланиши мазкур фаолият билан бевосита боғлиқ бўлган муаммолар аудити ва таҳлилини самарали ташкил этиш, уларнинг ечимини илмий асосда ҳал қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу объектив жараёнларнинг барчаси банк, хусусан, тижорат банклари тизимида ички аудит, услубиётини

такомиллаштиришни, унинг бозор муносабатларига асосланган, эркин иқтисодиётга мос назарий-услубий ва ташкилий муаммолари мажмуасини тадқиқ этишни тақозо этади. Юқоридаги таъкидланганлар мазкур тадқиқот иши мавзусининг йўналиши ва долзарблигини белгилади.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тижорат банкларининг ички аудит тизими жараёни танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети бозор иқтисодиёти шароитида республикамиз тижорат банкларида ички аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ва ўтказишнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банкларида ички аудитни ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Белгиланган мақсадга эришиш учун ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни қўйдик:

-аудит ўтказишнинг услубиятини ва банк аудитини ташкил этиш бўйича илғор аудиторлик компаниялар тажрибаларини ўрганиш;

-банк аудитининг республикамиздаги меъёрий-ҳуқуқий базасини таҳлил қилиш;

-бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республикамизда банк аудитини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот жараёнида олинган илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш тизими ва ички аудитни таснифлашнинг мезонлари аниқланди;

- тижорат банкларини ички аудит қилишда учрайдиган муаммолар ва уларни ечимлари аниқланди;

- тижорат банкларини ички аудит бўйича баҳолаш масалалари назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилди.

- аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи назарий ва ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- Тижорат банкларида аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва ички аудит хизматининг молиявий жихатида мустақиллигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тижорат банкларида ташкил этилган ички аудит хизмати фаолиятини тадқиқ қилиш натижасида берилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини оширади. Бу ўз навбатида, банк ички аудитини комплекс тадқиқ қилишга, банкнинг функционал фаолияти самарадорлигини ошишига хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқод мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (тахлил). Банк тизимида ички аудитнинг вужудга келиши ва такомиллашувининг турли жихатлари қатор хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий ишларида ўз аксини топган. Хорижлик олимлар³: Н.В.Фадейкина, Т.Кох, Е.К.Болгова, Л.Р.Смирнова, В.Н.Белоглазова, В.И.Белоцерковский, В.П.Суйц, Ф.Л.Дефлиз, Е.М.Гутцайт, Н.В.Парушина, С.П.Суворова, В.И.Подольский, В.В.Скобара, О.И.Лаврушин, М.С.Шидловская, Ж.Ф.Синки, Е.Б.Ширинская, А.Д.Шеремет, Э.Крокетт ва республикамизнинг иқтисодчи олимлари, Р.Д.Дўсмуратов, Н.Ф.Каримов, Б.Қ.Ҳамдамов, Х.Н.Мусаев, Б.А.Ҳасанов, З.Т.Маматов, С.Норқобилов, Ф.М.Муллажонов, М.М.Тўлаходжаеваларнинг асарларида тадқиқ этилган.

Иқтисодий адабиётда аудитнинг вужудга келиши, унинг назарий асослари, иқтисодий мазмуни, миллий иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятига

³ В.П. Аудит: Общий, банковский, страховой. Учебник для вузов. -М.: ИНФРА-М, 2005. -662 с.; М.С.Шидловская Банковский надзор и аудит: Практикум. - Учебн. пос. - М.: Выш. шк., 2003. -318 с. Дўсмуратов Р.Д. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент -2008. -35 б.; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва уни услубиётини такомиллаштириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент-2007. -39 б.; Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. Т.: “Молия”, 2003. -179 б.; Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент-2004. -33 б.; Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент-2007. -33 б.

бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Шунингдек, акциядорлик тижорат банкларидаги ташқи аудит ўтказиш услуги ва босқичларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган. Иқтисодий адабиётда аудитнинг вужудга келиши, унинг назарий асослари, иқтисодий мазмуни, миллий иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Шунингдек, акциядорлик тижорат банкларидаги ички аудит ўтказиш услуги ва босқичларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Бизгача олиб борилган илмий изланишларни ўрганиш натижаларини кўрсатишича, Ҳозирги кунга қадар республикамизда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва чоп этилган адабиётларда ҳам унинг услуги ва ташкил этиш масалалари атрофлича ёритилган. Юқорида зикр этилганлар, республикамиз тижорат банкларида халқаро аудиторлик стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, ички аудит услуги ва ташкил этишнинг устувор йўналишларига бағишланган мазкур мавзунинг долзарблигини янада оширади ва уни диссертация мавзуси сифатида танлаб олиниши учун асос бўлади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқотда гуруҳлаштириш, таққослаш, индукция, дедукция, балансли боғланиш, корреляция ва регрессия каби таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий хулосалари ва амалий тавсияларидан ички аудиторлик фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, шунингдек, республикамиз банк тизимида ички аудит услуги ва ташкил этишнинг халқаро аудиторлик стандартларига мувофиқ ислоҳ қилишда, тижорат банклари барқарорлигини сақлашда, назорат ва аудитнинг тутган ўрнига аниқлик киритишда, ички аудит хизмати

ва аудит текширувини ташкил этиш услубиётини амалиётга жорий қилиш ва такомиллаштиришда кенг фойдаланиш мумкин.

Магистрлик ишининг тузилмасининг тавсифи. Магистрлик иши кириш, 8 та параграфни ўз ичига олувчи 3 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, назарий ва методологик асослари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида Ўзбекистон Республикасида банк аудитини шаклланиши ва уни мувофиқлаштиришнинг назарий асослари, тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилишнинг аҳамияти ва зарурлиги ва тижорат банкларида аудит ўтказишнинг иқтисодий мазмуни ёритиб ўтилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида тижорат банкларида ички аудит ўтказиш тартиби, АТБ ”Ўзсаноатқурилишбанк” кредит операцияларини ички аудити таҳлил қилинган ҳамда банк аудитида аудиторлик ҳисоботлари ва хулосаларини тақдим қилиш атрафлича ёритилган.

Диссертациянинг учинчи бобида Ўзбекистон Республикаси банк тизимида аудиторлик текширувлари ўтказишни такомиллаштириш йўллари ва тижорат банкларида ички аудит ўтказишнинг молиявий манбаларни такомиллаштириш масалалари кўриб ўтилган.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АУДИТ ЎТКАЗИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистон Республикасида банк аудитини шаклланиши ва уни мувофиқлаштиришнинг назарий асослари

Инсоният тарихига бир назар солсак, жамият ривожлана бориши билан бирга жамиятда бўлаётган ҳодиса ва воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари, кутилиши мумкин бўлган ўзгаришларни ўрганувчи бир қатор табиий, иқтисодий ва гуманитар фанлар шакллана бошлади. Бу фанлар билан бирга иқтисодиёт фани ҳам жамиятда юз бераётган иқтисодий ҳодисаларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш ҳамда жамиятдаги моддий неъматлар яратишдан тортиб, уни истеъмоли билан боғлиқ муаммоларни ўргана бошлади.

Аудит фанининг шаклланишига бир назар солсак, аудитнинг тарихий ватани Англия бўлиб, 18 асрнинг ўрталаридан бошлаб Англияда аудиторлик ташкилотлари тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинган. Ушбу аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунларга мувофиқ акциядорлик ташкилотларда корхона ва ташкилотларнинг бошқарувчилари зиммасига бир йилда камида бир марта бухгалтерия ҳисоб варақларини текшириш ва акциядорлар олдида ҳисобот бериш учун махсус одам таклиф қилиш вазифаси юклатилган эди.

Аудит тўғрисидаги қонун Англияда 1862 йилда чиққан. Худди шундай қонун 1867 йилда Францияда ҳам қабул қилинган. АҚШда аудитнинг иқтисодиёт учун зарур эканлиги 1937 йилга келиб тан олинди ва тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Аудиторлик фаолияти бизнинг мамлакатимизда янги фаолият турларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда аудит 90-йилларнинг бошида – мустақилликка эришилгандан сўнг ва бозор иқтисодига ўтиши билан ривожлана бошлади. Нодавлат секторида корхоналар вужудга келиши билан аудиторлик фаолияти хизматига талаб юзага келди, чунки бозор

структуралари ўзларининг фаолиятларига мустақил баҳо берилишига эҳтиёж сездилар.

Ўзбекистонда аудитни ривожланишига кадрларни тайёрлаш ва нормалар ишлаб чиқиш фаолияти билан шуғулланувчи Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси катта ҳисса қўшди. Аудитни ривожланишида аудиторларнинг профессионал тайёргарликлари муҳим рол ўйнайди.

Жамият ривожлана бориши билан бирга жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўрганиш, қилинган ишларни сарҳисоб қилиш, натижаларни ойдинлаштириш, олдиндан амалга оширмақчи бўлган имкониятларни чамалаш, келгуси ишларни режалаштириш, фаолиятни сарҳисоб қилиш ва фаолиятга баҳо бериш тизимлари ўз-ўзидан жамият учун зарурат сифатида аста секин шакллана бошлади. Шундай фаолият турларидан бири бу аудиторлик фаолиятидир.

Маълумки, тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолияти тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлишларида аудит текширишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Аудиторлик фаолиятини ўрганувчи ва унинг асосини ташкил қилувчи аудит фани корхоналарни таъсис этишдан тортиб уни бошқариш жараёни, корхонанинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ва корхона фаолиятини таҳлил қилишни услубий томонларини ўргатади.

Хусусан, корхона ривожланишига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, фойдаланилаётган ресурслар захирасини кенгайтириш, уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, корхона рақобатбардошлиги даражасини ошириш, хужалик фаолиятига ҳамда корхонанинг иқтисодий салоҳиятига тўғри баҳо бериш кабилар услубий томонлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари аудит, корхоналарда бухгалтерия ҳисоботини ташкил этиш, мавжуд ресурслардан фойдаланиш, самарадорликка эришиш йуллари аниқлаш, тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятига баҳо бериш каби масалалар ечимини ҳам ўргатади.

Жамиятдаги муносабатларда аудитнинг зарурияти ҳисобот бериш концепцияси талаблари бажарилиши юзасидан келиб чиқади. Бу бир томон иккинчи бир томонга ҳисобот бериш ва мажбурият бажарилишини назорат қилишни эътироф этади ва бу назорат маълум бир маълумот, тушунтириш ёки ҳисобот олишни назарда тутди. Ҳисобот бериш қўйи бўғин бошқарувчилари юқори бўғин бошқарувчиларнинг акциядорларга ҳисобот бериши кераклигидан келиб чиқади. Шунинг учун аудит назоратнинг механизми сифатида юзага келади ва ҳисобот беришнинг бажарилишига ва уларнинг ойдинлаштирилишига ёрдам беради.

Аудит орқали воситачилик шартномалари амалга ошади, чунки бунда воситачининг фаолияти назорат қилинади. Тўғри маълумотлар олишда, берилаётган ахборотдаги ноаниқликни аниқлашда аудит яна ҳам зарурдир. Аудит қабул қилинаётган қарорлар сифатини ва корхона активларини тақсимланишини яхшилашга ҳам ёрдам беради. Яна аудитга суғурта кафолати бажарилишини таъминлайдиган чора сифатида қаралади.

Бозор муносабатларининг ривожланишини ва иқтисодий эркинлаштириш натижасида аудиторлик фаолияти тез суръатлар билан ривожланиб тафтиш тушунчасини сиқиб чиқармоқда.

Аудит ва тафтиш тушунчалари кенг маънода хўжалик юритувчи субъектлар билан молия-хўжалик фаолияти устидан ўрнатиладиган иқтисодий назоратни ташкил этиш усуллари ҳисобланади. Аудит ўтказишда хужжатли ва ҳақиқий тафтишнинг айрим амаллари, айрим ҳисоб объектларини тафтиш қилиш усулларидан фойдаланилади.

Аудит хўжалик субъектининг оммавий молиявий ҳисоботини тўғрилигини, тўлиқлигини, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботлар тўғрисидаги қонун ва талабларга жавоб беришини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган мустақил экспертиза ва таҳлил билдиради. Бундан ташқари аудит яна бошқа назорат ишларини ўз ичига олади.

Аудитнинг асосий фаолияти субъектнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ фактларни йиғиш ва баҳолашдир. Юқоридагиларни ҳисобга олиб аудитнинг асосий фаолият турларини кўришимиз мумкин.

Биринчидан, ҳар қандай аудиторлик фаолиятини юритишнинг мажбурий шарти бўлиб унинг чегараси ҳисобланади. Бундай чегаралар муайян иқтисодий субъектнинг ўлчамлари ёки тармоқ аудитида маълумот тизимини текшириш билан аниқланади.

Иккинчидан, аудитор аудит объекти ва уни ўтказилишидан манфаатдор бўлганлар ўртасидаги «ахборот бўшлиғини» тўлдиришга ҳаракат қилади. Бу асосан ҳисоботларда айрим маълумотларни етишмаслиги ёки ҳисоботдаги маълумотлар ишончлилиги билан баҳолаш қарор қабул қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолда.

Учинчидан, аудит ўтказаетган шахсларнинг малакаси асосий шартлардан ҳисобланади. Аудитор керакли маълумотларни йиғиш ва ўлчовларни тушуниш орқали маълумотларни баҳолашни яхши билиши керак. Бундан ташқари, аудитордан муомала меъёрларига риоя қилиш талаб қилинади, яъни у ўзини мустақиллигини сақлаш ва ташқи ҳамда ички таъсирларга қарши тура олиши керак.

Бозор субъектларининг талабига жавоб берадиган назорат турларидан бири – бу аудит тизимидир.

Аудитнинг мақсади - тақдим қилинаётган ҳисоботлар тўғрилиги, хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатини акс эттириши, унинг қонунийлиги ҳамда молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби талабларига мос келишини аниқлашдан иборатдир.

Аудиторнинг корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги хулосасининг бўлиши, мазкур молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун унга бўлган ишончни оширади. Аудиторлик текширувларини махсус аудиторлик фирмалари ёки алоҳида сертификатга эга аудиторлар ўтказиши мумкин.

Аудиторлик назорати амалиётда иккига ажратилади: ички ва ташқи аудит. Ички аудит аудиторлик назоратини ўтказиш усулига кўра ташқи аудит билан ўхшаш бўлиб, у мустақил аудиторлар ёки аудиторлик фирмалари томонидан амалга ошириладиган ташқи аудит учун ахборотларни олиш манбаи бўлиб ҳисобланади.

Ташқи ва ички аудит ўртасидаги сезиларли фарқ уларнинг мақоми, асосий вазифалари ва аудиторлик текширувини бажариш вақтига қараб ажратилади. Ички аудит асосан мулкдорлар манфаатларига хизмат қилиб, унинг асосий вазифаси корхонанинг иқтисодий аҳволи тўғрисида муайян корхонанинг мулкдорлари учун ахборот тайёрлашдан иборат.

Ташқи аудит эса нафақат мулкдорлар, балки давлат ва кредиторлар манфаатлари учун ҳам хизмат қилади ва унинг бош мақсади, ушбу корхонанинг ташқи фойдаланувчилари: акциядорлар, инвесторлар, банклар, солиқ ва бошқа давлат органлари, шериклар учун корхонанинг молиявий ҳолатига ҳолис ҳулоса тайёрлашдан иборатдир.

Тижорат банклари фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш банк ва мустақил аудиторлик фирмалари ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади ва ушбу шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилади, иш давомида аудитор ўз мажбуриятларини унутмаслиги ва банк маъмурияти эса аудитор олдида ҳамма маълумотларни очиқ-ойдин тушунтириб бериши ва барча ҳужжатларни етказиб бериш мажбуриятини олиши лозим.

Ички аудит банкларда ташкил қилинган ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади. Унинг асосий мақсади банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган камчилик ва муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича тегишли маслаҳатлар бериш, ички меъёрий ҳужжатларга мос келишини ва келгуси истиқболларни белгилаш имкониятларини кўрсатишдир.

Маълумки, тижорат банклари жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, риск билан иш юритади. Шу сабабли,

банклар учун аудит, хусусан, ички аудит жуда муҳим ҳисобланади. Ички аудит ходимларининг ўз зиммаларидаги вазифаларни бажариши қандай ташкил этилганлиги ва сифатини ички назорат қилиш тизимининг самарадорлигини текшириш ҳамда баҳо беришни ўз ичига олиши лозим. Шу муносабат билан ички аудит хизмати ходимлари қуйидагиларни текшириши ва баҳолаши лозим:

- молиявий маълумотларнинг ҳаққоний ҳамда ўз вақтида акс эттирилиши;
- банк операцияларини амалга ошириш ва ҳисоботлар тузишда меъерий ҳужжатларга қатъий риоя этилиши;
- активлар ҳолати ва уларни сақлаш усуллари;
- маблағлардан фойдаланиш тежамкорлиги ва самарадорлиги;
- банк бошқаруви томонидан қабул қилинган дастурлар бажарилишининг тўлиқлиги ва адекватлиги, уларнинг қўйилган мақсад ва вазифаларга мос келиши.

Ички аудит хизмати тижорат банки таркибидаги бўлинма бўлиб, у асосан шу банк бўлинмалари (филиаллари) ва бош банк фаолиятини назорат қилиш билан шуғулланади. Ички аудитнинг асосий вазифаларидан бири, бу фақат текшириш ўтказиб, камчиликлар топиш эмас, балки шу камчиликларни бартараф этиш, уларга йўл қўймаслик учун нима қилиш тўғрисида маслаҳатлар беришдир. Ички аудит хизмати банкнинг тузилиши, катта-кичиклиги, жойлашиши ва банк муомалаларининг миқдорига қараб, бир-икки кишидан иборат мустақил бўлим ёки маълум бир бошқарма шаклида ташкил қилиниши мумкин.

Муайян тижорат банк бўлимини назорат қилиш учун ички аудит хизмати томонидан қуйидаги дастлабки ишлар амалга оширилади:

- аудит ўтказиш иш режаси тузилади;
- аудиторлар рўйхати ва улар томонидан бажариладиган ишларнинг мақсади ва вазифалари белгиланади;

➤ ўтган даврдаги аудиторлик хулосаси кўриб чиқилиб, улар бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилиши кўриб чиқилади;

➤ аудит ўтказиш бўйича буйруқ ва касса қийматликларини текшириш учун гувоҳнома тайёрланади.

Тижорат банкларида ички аудит хизматини ташкил қилиш ва уни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2000 йил 25 ноябрдаги 405-сонли Тижорат банкларининг ички аудитига қўйилган талаблар тўғрисидаги йўриқномасида ички аудит хизмати ходимларининг жавобгарликлари белгиланган.

Шунингдек, Марказий банкнинг юқорида айтиб ўтилган йўриқномасига мувофиқ ички аудит хизмати ходимлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари шарт:

➤ бажараётган вазифалари характерига тааллуқли олий маълумотга ҳамда тегишли касбий кўникма ва малакага эга бўлишлари;

➤ банк қонунчилиги ҳамда Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни билишлари;

➤ умумий қабул қилинган халқаро бухгалтерия ҳисоби ва аудит андозаларини яхши билишлари;

➤ ўз малакаларини доимий равишда ошириб боришлари;

➤ вазифаларини ҳал этиш кўлами ва муддатига доир аудиторлик дастурлари режалаштирилаётганда чекловларга эга бўлмасликлари керак.

Ички банк аудитининг иши аниқ режалаштирилган ва у ўз дастурига эга бўлиши ва бу аудиторлик дастури қуйидаги талабларга жавоб бериши керак, яъни:

➤ мақсадларни ўз ичига олиши;

➤ дастур қамров доираси аудиторлик мақсадларига эришиш учун етарли бўлиши лозим;

➤ батафсил иш дастури ва кўрилаётган ҳар бир соҳа учун белгиланган зарур тартибларни ўз ичига олиши;

➤ ҳар бир дастур талаб қилинаётган ишни аниқ ва қисқа тарзда изоҳлаб бериши ва банк операцияларининг хусусияти ва мукамаллигига қараб бир ёки бир нечта бўлимлар фаолиятини қамраб олиши;

➤ аудиторлик текширувларини ўтказиш доимийлиги аудит ўтказиш лозим бўлган ҳар бир соҳага боғлиқ таваккалчилик даражасини баҳолашга асосланган бўлиши (аудитор банк операциялари таваккалчилиги даражасини аниқлашда банк операцияларининг хусусиятлари, банк активлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ ва ички назоратнинг тегишли сиёсати ва андозаларининг мавжудлиги ҳамда бошқарув ва ички назоратнинг самарадорлиги каби омилларни эътиборга олиш керак).

Ички аудитнинг ҳисоботлари бевосита банк кенгашига ёки аудиторлик кўмитасига тақдим этилиши шарт. Ҳозирги пайтда мазкур ҳисоботлар нусхалари банк бошқаруви ва банкнинг алоҳида таркибий тузилмалари бошлиқларига тақдим этилади (бевосита ушбу бўлинмага тегишли қисми);

Банкларнинг ички аудит хизмати республикада ҳозирда фаолият кўрсатаётган хорижий аудиторлик компаниялари билан қизғин ҳамкорлик қилишлари зарур. Аудит хизматидан фойдаланиш тижорат банкларининг катта миқдордаги маблағларини тежайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари ички аудитига қўйилган талаблар тўғрисида”ги йўриқномасида аудиторлар кўмитаси банк кенгаши томонидан тузилиб, унинг таркибига банк бошқаруви аъзоларидан ҳеч ким киритилмаслиги кўрсатилган.

Банк тизимини ривожлантириш, банклар ўртасидаги рақобатни кучайтириш, ҳиссадорлар, таъсисчилар, мижозларнинг манфаатини ҳимоялаш ва банкларимизни халқаро миқёсига олиб чиқишда банк аудитининг, жумладан банк ички аудитининг аҳамияти каттадир. Хорижий давлатлар тажрибаси банк ички аудити бозор иқтисодиётининг муҳим элементи эканлигини тасдиқлаган.

Акциядорлик жамияти шаклидаги банклар фаолиятини банк кенгаши ва банк бошқаруви орқали банк акциядорлари бошқаришади ҳамда асосий

маъсулият банк кенгаши зиммасига тушади. Чунки банк кенгаши акциядорлар манфаатини ҳимоя қилувчи бошқарув органи ҳисобланади. Банк кенгаши аъзолари акциядорларнинг ишончли вакили сифатида банк активларини ҳимоя қилиш, ўз манфаатларидан кўра акциядорлар ва омонатчилар манфаатларини устун қўйишга мажбурдирлар. Банк кенгаши банк фаолияти тўғрисидаги маълумотни ички аудит хизматидан олади ва олинган маълумотлар асосида тегишли қарорлар қабул қилади.

Банкларда банк кенгаши ва бошқарувини банк фаолияти тўғрисидаги маълумот билан таъминлаш мақсадида ички аудит хизмати тўғрисида низом ишлаб чиқилади ҳамда ушбу низом банк кенгаши томонидан тасдиқланади. Банкда ташкил қилинган ички банк аудит хизмати асосан шу низомга мувофиқ фаолият юритади. Ички аудит томонидан барча банк бўлинмалари бир йилда бир марта ички аудитдан ўтказилиши лозим. Чунки банк кенгаши барча банк бўлимлари фаолияти билан таниш бўлиши керак.

Республикамизда аудиторлик фаолияти олдида турган муҳим вазифалардан бири хорижлик ҳамкорлар тан оладиган аудиторлик хулосасини бериш қобилиятига эга, сертармоқ ва профессионал даражадаги мумумиллий аудиторлик компаниялари ташкил этиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда аудитнинг таркиб топиши мисилсиз тарихий ўзгариш бозор иқтисодиётига ўтиш билан изоҳланади. Чунки бозор иқтисодиётида тадбиркорлик субъектини бошқариш вазифаси профессионал менежерлар кўлига ўтди, натижада ташкилот молиявий ҳолатини мустақил назорат қилишга эҳтиёж туғилди. Капиталларни жамлашда акциялаштириш, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши, корпоратив бошқарув тизимининг йўлга қўйилиши мустақил молиявий экспертиза натижалари ошқоралигини таъминлаш заруратини туғдиради. Чунки молиявий ҳисоботлар ташкилот билан алоқада бўлган барчани, яъни раҳбарлар, ходимлар, миждозлар, мулкдорлар, кредиторлар, инвесторлар, давлат ва ҳокимият органларини мустақил аудиторлар тасдиқлайдиган ахборотлар қизиқтиради, ҳисоботлар бошқа ташкилотларнинг банклар билан ҳамкорлик

қилиши учун ишонч уйғотади. Бинобарин, мамлакатимизда аудит турли гуруҳларнинг қизиқиши ва талабларига жавоб тариқасида пайдо бўлди.

1.2. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилишнинг аҳамияти ва зарурлиги

Тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш, акциядорлар ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолияти тўғрисида аниқ, ишончли маълумотларга эга бўлишларида аудит текшируви хулоса ва натижалари муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, аудит атамаси латинча «audit» - эшитмоқ сўзидан олинган бўлиб, турли мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини текшириш жараёнини англатади. Аудит мустақил назорат қилувчи тадбиркорлик субъекти сифатида хўжалик субъекти томонидан берилаётган молиявий ахборотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди. Ундан кутилган мақсад хўжалик субъекти фаолиятининг барча қирралари бўйича фактларни йиғиш ва баҳолаш, ҳисоботларини текшириш, уларнинг меъёрий ҳужжатларга мос равишда бажарилган ёки бажарилмаганини текширишдан иборат.

Аудит олиб бориш тартиби ҳукумат қарорлари ва идоравий йўл-йўриқлар билан тартибга солинади ёки йўналтирилади, фаолиятнинг муайян қирраларидаги оғишларни вақти-вақти билан назорат этиб туради. Асл ҳужжатлар ва бухгалтерия қайдлари, нақд пул воситалари, материал-хом-ашё қийматини диққат ва эътибор билан комплекс равишда ўрганади. Молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги бўйича ўз фикрини билдиради. Молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилади, актив ва пассивларини баҳолайди. Мижознинг молиявий ҳолатини яхшилаш, инвесторлар, кредиторларни жалб этишга ёрдам беради, молия, солиқ ва бошқа соҳаларда маслаҳат беради. Аудит хулосаси барча жисмоний ва юридик шахслар учун, ҳокимият ва суд идоралари учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Бу хулоса матбуотда эълон қилиниши ҳам мумкин.

Ўзбекистонда банк аудитига бунчалик катта эътибор қаратилаётганининг ўз сабаблари бор. Чунки давлат назорати органларининг тижорат банкларининг операцияларни ўтказиш ва уларнинг ҳисобини расмий жихатдан олиб боришига қўйиладиган барча талабларга риоя этилиши мамлакат кредит тизимининг сифати ва ишончлилигини таъминлайди. Бу талаблар, биринчи навбатда, банкларга жалб этилган омонатчилар ва мулкдорлар капиталининг йўқотишлар рискни бартараф этиш ёки уни энг паст даражага тушириш шарти билан банк операцияларининг даромадлигини мақбул даражада таъминлашга қаратилган.

Агар биз жаҳон мамлакатлари кредит тизимининг тарихий ривожига назар солсак, банк ва улар мижозларининг кўп бор хонавайрон бўлганига гувоҳ бўламиз. Бу эса банклар фаолияти устидан Ўзбекистонда давлат назорати ўрнатилиши зарурлигини тушунишга олиб келди.

Ўзбекистонда банк назоратини такомиллаштириш, тижорат банкларининг рисклари ва рентабеллиги даражаси, молиявий аҳволи ҳақида ҳаққоний ахборотлар билан таъминлашга қаратилган комплекс тадбирлар кўриб борилмоқда. Бунда 1996 йилда парламент томонидан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда 1997 йил март ойидан бошлаб тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисоб варақлар режасига ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Булар банклар ресурсларининг таркиби, уларнинг юридик тегишлилиги ва муддати, банк ресурсларининг турли даромадлилик бўйича жойлаштирилиши, тезлиги ва операциялар таваккалчилиги бўйича банк фаолиятига қизиқувчиларни ҳаққоний ахборотлар билан таъминлаш имконини берди.

Бироқ энг мукамал халқаро стандартлар ҳам тижорат банкларининг реал молиявий аҳволи ва молиявий ҳисоботларидаги маълумотлар билан мос келмаслиги мумкин. Бу мумкин ҳам эмас, чунки ҳеч қандай йўл-йўриқлар банклар ўз ҳисоби ва мижозлари топшириғи бўйича операцияларни амалга оширишда барча ностандарт ҳолларни акс эттиролмайди. Бундай пайтда банк назорати органлари томонидан ишлаб чиқилган дастурлар бўйича юқори

малакали мутахассислар, мустақил аудиторлар томонидан бажариладиган текширувлар катта аҳамиятга эга.

Тижорат банкларида ўтказиладиган аудиторлик текширувлари сифати ва таъсирчанлигини ошириш, ташқи аудит фаолиятини такомиллаштириш, аудиторлик фирмалари ўртасида эркин ва соғлом рақобат муносабатларини кучайтириш ҳамда аҳоли ва сармоядорларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш мақсадида 1996 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Айтиш мумкинки, мазкур фармон ижроси республикада банк аудитини шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг амалий босқичини бошлаб берди.

Хусусан, Республика тижорат банкларида аудит текширувларини ўтказиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Марказий банкнинг Тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти таркибида “Аудитни мувофиқлаштириш” бўлими ташкил этилди.

Марказий банк топшириғига мувофиқ мутахассислар томонидан банк аудитини ўтказиш бўйича тузиладиган шартномаларнинг намунаси ҳамда тижорат банкларида аудит текширувларини ўтказиш учун Жаҳон банки мутахассислари билан биргаликда техник топшириқлар ишлаб чиқилди. Банк фаолияти ва ҳисоботи таҳлиliga оид бу топшириқларда аудиторлар олдида аудиторлик текширишлари давомида келишилган муддатда (беш йилгача) таҳлилий обзор олиб бориш вазифаси кўйилди. Унда стандарт молиявий таҳлилда қўлланилган баланс ва балансдан ташқари позициялар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлар ҳамда бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган молиявий кўрсаткичлар жамланган асосий молиявий кўрсаткичларни атрофлича ва ўсиш изчилликларини ёритиш талаб этилди.

Марказий банк аудити соҳасидаги аудиторлик фаолияти ташкилотчиси сифатида ўтган йилларда банк аудитини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил

этиш, ўтказилаётган аудит сифатини баҳолашга нисбатан ёндашувларни такомиллаштириш, банк аудити соҳасида лицензиялаш тартибини кучайтириш, аудиторларни аттестациядан ўтказиш механизмларини такомиллаштиришда катта ишларни амалга оширди.

Марказий банк томонидан 1998 йил ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасида банк аудити тўғрисида”ги низомда банк аудити аудиторлик фаолиятининг алоҳида бир тури сифатида эътироф этилган. Хужжатда банкнинг бир йиллик фаолияти бўйича аудиторлик хулосаси шакли ва мазмунини Марказий банк белгилаб бериши таъкидланган. Бу йўл кўрсатувчи ҳужжатлар банк аудитининг устуворликларини, аудиторлик текширувлари таркибини аниқлаб беради.

Аудиторлик фирмаларига ва аудиторларга банкларда аудит ўтказиш учун Марказий банк томонидан бериладиган сертификатларни олиш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда тижорат банкларида аудит текширувларини Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитаси талабларига мувофиқлаштириб, амалиётга янгича мазмунда жорий этиш мақсадида Жаҳон банки экспертлари иштирокида 1998 йилда мазкур меъёрий ҳужжатлар қайта ишлаб чиқилди.

Хусусан, Марказий банкда фаолият кўрсатган “Barents group LTS” консалтинг фирмаси маслаҳатчилари билан Марказий банк мутахассислари ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасида банкларни аудит қилиш тўғрисида”ги Низом, “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар”, “Тижорат банкларида ички назоратни ташкил этишга оид тавсиялар” ишлаб чиқилди.

Ушбу меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши тижорат банкларида ўтказилаётган ички аудит текширувларини Марказий банк томонидан тартибга солиш жараёнини анча яхшилади.

Марказий банк тижорат банкларида аудит текширувлари сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида хорижлик мутахассислар билан биргаликда ташқи аудит текширувларини ўтказишга оид меъёрларни, уларни

такомиллаштириш чоралари кўриб чиқилди ва ҳалигача изланиш олиб борилмоқда.

Аудит текширувларини халқаро андозалар даражасида ташкил этиш мақсадида Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикасида банкларни аудит қилиш тўғрисида” 1998 йил 4 июлдаги 403-сонли Низомига 1999 йил 18 сентябрда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Аудиторлик фирмаларининг банклардаги аудит текширувлари бўйича тақдим этган хулосалари Марказий банк томонидан таҳлил қилиниб, аудит текшируви хулосаларида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, тижорат банклари фаолиятини кучайтиришга доир тавсияномаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан аудиторларга:

- аудиторлик тузатмаларининг ҳаммасини бошқармалар миқёсида ва бухгалтерия даврига мос равишда бош китобларга қайд этилишига кўмаклашиш;

- банк раҳбариятига бухгалтерия ҳисобидаги ва ички назорат тизимидаги барча моддий ноаниқликлар, банк фаолиятидаги бошқа камчиликлар, банк молиявий аҳволи бўйича ва энг муҳим масалаларни баён этилган хат тайёрлаб беришлари, шунингдек, банк муаммолари ва уларни бартараф этиш, аниқланган камчиликлар, банк фаолиятидаги рискларни баҳолаш бўйича хат тайёрлаш лозимлиги;

- аудиторлик хулосасида аудитнинг Халқаро аудиторлик стандартлари ва МҲХС талаблари даражасида ўтказилганини аниқ кўрсатиш лозимлиги белгиланди.

Тижорат банклари кенгаши ва бошқаруви раисларига аниқ мажбуриятлар юкланди. Жумладан, талабларда шундай дейилади: “Банк кенгаши тижорат банки аудиторлик ҳисоботини олган вақтдан бошлаб 30 кун мобайнида аудиторлар томонидан аниқланган ички назоратга доир камчиликларни бартараф этиш ва тавсияларни бажаришга қаратилган чоралар юзасидан Марказий банкка ҳисобот бериши лозим”.

Айни пайтда, Марказий банк томонидан банкларда аудит ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик фирмалари ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш мақсадида республикада фаолият кўрсатаётган бошқа аудиторлик фирмаларини банкларда аудит ўтказиш жараёнига жалб этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Аудиторлик фирмалари банк ички назорат ва ички аудит бўлинмалари билан қалин ҳамкорлик қилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Марказий банкнинг тижорат банкларида ички назорат ва аудитни ташкил этишга оид тавсия ва низомларида бўлинмаларнинг аудиторлик фирмалари билан алоқасига унчалик эътибор берилмаган. Гарчи, аудиторлик фирмалари ўзларига керакли маълумотларни талаб қилиб олиши ва уларнинг тақдим этилиши мажбурийлиги айтилган бўлсада, аудиторлик фирмалари улардан йил давомида қилинган ишлар бўйича ҳисобот талаб қилиб олиш ҳуқуқи берилиши лозим, деб ўйлаймиз. Бу ҳисоботлар билан танишув ички аудит тизимининг фаолиятига реал баҳо беришни таъминлайди ва йиллик аудит текширувларини ўтказишда катта ёрдамберади.

Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг “Самарали банк назоратининг асосий принциплари” 14-бандида “банк назорати органлари банкларнинг ички назорат фаолияти кўлами ва характери учун етарли бўлган воситаларга эга бўлишини аниқлаши керак” дейилади.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти шаклланиши ва ривожланиш йўлларига назар солар эканмиз, Марказий банк ва аудиторларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан банк аудити тизими яратилгани, бугунги кунда бу аудиторлар малакали бухгалтерлар ва иқтисодчилар бўлиб, мамлакат банк тизимининг соғлом фаолият юритишида катта роль ўйнаётгани, Ўзбекистонда банк аудити мактаби шаклланиб ва тобора такомиллашиб бораётганининг гувоҳи бўламиз.

Дунё банкчилик тажрибаси кўрсатишича, тижорат банклари барқарорлигини сақлашда ички аудит катта аҳамият касб этади. Марказий банкнинг ички аудитни кучайтиришга нисбатан қўяётган қатъий талаблари

назорат органлари ва молия-кредит муассасаларининг ўз зиммаларига юкланаётган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажаришига шароит яратмоқда.

Ички аудитдан кутилган асосий мақсад илгарироқ таъкидлаганидек, кўп жиҳатдан ўхшаш бўлиб, нazorат қилиб боришдан иборат. Бироқ улар ўртасида муайян фарқлар ҳам борки, бу аудиторлар фаолияти характериға боғлиқ. Ташқи аудит ҳисобот тизимини баҳолаш банкнинг актив ва пасивларини баҳолаш ва текшириш, мавжуд ички нazorат тизимини тестдан ўтказишдан иборат. Ташқи аудит текширилаётган банкнинг тақдим этган ҳисоботи ва баланслари ҳақиқатға тўғри келадими ёки йўқми, унинг молиявий аҳволи ва муайян даврдаги фаолияти натижаларини баҳолашдан иборат. Четдан тақлиф этилган, мустақил аудиторлик фирмалари томонидан тайёрланган хулосалар юқори ташкилотларға, акциядорлар, кредиторлар ва ҳоказоларға мўлжалланади ва ундан ички аудиторлар ҳам фойдаланади.

Ички аудит ташқи аудитға нисбатан белгиланиши ва ташкил этилишиға қараб, бошқача характериға, мазмунға эға бўлади. Ички аудит банк доирасида мустақил бўлинма сифатида банк фаолиятининг ҳар кунги фаолиятини текширувдан ўтказиб боради. Умум томонидан қабул қилинган қоидаларға кўра, ички аудит банкнинг ўз мажбуриятларини самарали бажаришға хизмат қилади, яъни биринчи навбатда муаммоларнинг эндиғина вужудға келаётган даврида аниқлашға йўналтирилган бўлади. Ички аудит бошқарув қуроли, банк операцияларини ички кучлар ёрдамида жуда яқиндан кузатиш имконияти бўлиб, бошқарув мақсадига эришиш кафолатидир. Бунинг учун ички аудит хизмати бошқарувни бажарилган анализ натижалари ҳақидаги ахборот билан таъминлаб, бўлинмалар фаолиятини, ҳар хил йўриқларни таҳлил этиб, уларға юзаға чиқаётган муаммоларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар бериб боради. Ички аудит хизмати ходимлари ташқи аудиторлар билан ҳамкорлиқла иш олиб боради.

Ички аудит натижаларидан банк раҳбарлари томонидан амалдаги қонунлар доирасида мавжуд ресурсларни ҳисобға олган ҳолда жорий

ишларни бошқаришда фойдаланилади. Шу тариқа ички аудит ташкилотнинг ўз мақсадига эришиши учун хизмат қилади. Банк фаолиятининг ички аудит вазибалари юқорида саналганлардан фарқ қилмайди, аммо банк фаолиятининг хусусиятлари, банк маҳсулотлари, бухгалтерия ҳисоби, ишни ташкил этиш жараёни, риск омилларининг кўплиги билан ўзгача хусусиятга эгадир.

Молиявий ҳисоботларни аудит қилишдан мақсад операциялар бухгалтерия ҳисоби талабларига риоя этилган ҳолда бажарилган ёки бажарилмагани хусусида аудитор фикрини олишдан иборат. Ўзбекистон, умуман кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тижорат банкларининг молиявий ҳисоботлари ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳужжат бу молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларидир.

1.3. Тижорат банкларида аудит ўтказишнинг иқтисодий мазмуни

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган хизмат турлари кўпайиб бормоқда. Бундан ташқари, уларнинг операциялари ва активлари кўлами ҳам ошиб бормоқда. Шу ўринда, тижорат банкларида ички аудит хизматида эҳтиёж ҳам ошиб бораётганини таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги вақтда ҳар қандай ташкилот ва корхона таркибидаги ички аудиторлар ўзига хос тарзда акциядорлар ишончига эга бўлиш имкониятига эга. Айниқса, жаҳон амалиётига мурожаат этадиган бўлсак, Enron, WorldCom ва бошқа йирик компанияларнинг инқирозга учраганликлари ва бу ҳақда ташқи аудиторлар томонидан ўз вақтида огоҳлантириш берилмаганлиги ички аудитни самарали ташкил этишга даъват этади. Тижорат банклари таркибида ички аудит хизматининг роли айниқса муҳим чунки, банклар иқтисодиёт негизини ташкил этади.

Республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши янги шароитда фаолият кўрсата оладиган тижорат банклари тизимини шакллантиришни тақозо этди. Халқаро тажрибага таянган ҳолда банк тизимининг ислоҳ

қилиниши натижасида халқаро стандартлар талабларига кўра, уларнинг бошқарув инфратузилмаси, назорат тизимини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни хал қилишга эришилди. Базель қўмитасининг талабларига биноан банк бошқаруви фаолияти ва назорати тизимини эволюцион йўл билан такомиллаштириш борасида ягона давлат сиёсат юргизилиб катор меъёрий хужжатлар мажмуи яратилди. Натижада банк амалиётига ташқи назорат мониторинги ва мустақил аудит каби тушунчалар кириб келди. Шу муносабати билан банк тизими ички назоратини олиб бориш, унинг шакли, усули ва услубларини танлашга, бошқарув тизими қарорлари ва молиявий ҳисоботлар текширув тизимини таъминловчи ички аудитни ташкил қилишга катта эътибор берилмоқда.

Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида банк тизимининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни салмоқли бўлишида бошқарувнинг таркибий қисми бўлган ички аудитга назоратнинг зарур элементи сифатида ёндашиш муҳимдир. Зеро, ички аудит банкларнинг молиявий ҳолатини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолашга, бозор эҳтиёжларини аниқлаш ва шу тариқа банкларнинг иш самарадорлигини оширишда улар учун бозорда самарали рақобат муҳитини яратишда катта ёрдам беради. Тадбиркорлик фаолияти жараёнида даромад олиш, иқтисодий субъектлар ривожланишининг оптимал траекториясига эришиш учун энг мақбул воситалар зарурлиги боис, аксарият мулкдорлар ички аудит хизматининг мавжуд бўлишидан манфаатдордирлар.

Тижорат банкларида бошқарув тизими учун ички аудит фаолиятини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва афзаллик жиҳатлари қуйидагилар билан изоҳланади;

- 1) ташқи аудитга нисбатан кам харажатлиги;
- 2) қонунчиликка доимий риоя қилинишининг кафолатланиши;
- 3) ички аудиторлар хизматидан мунтазам фойдаланиш имконияти
- 4) ички аудиторларнинг банкдаги вазиятдан, иш ва бошқарув услубидан, банкда қабул қилинган сиёсатдан хабардорлиги;

5) аудиторлар орқали банк бўлимларидаги юқори малакали мутахассисларнинг текширувларга жалб қилиниши;

б) илғор технологиялар ва иш услубини жорий этишнинг рағбатлантирилишига кўмак берувчи тизим эканлиги.

Таҳлиллар кўрсатишича, ретроспектив хусусиятга эга бўлган, аудиторлик фаолияти молиявий ва хўжалик операцияларини меъёрий хужжатларга мувофиқ тўғри акс эттирилганини текширишга қаратилган бўлиб бошқарув қарорларини қабул қилиш учун етарли эмас. Бугунги кунда ахборотдан фойдаланувчилар аудиторлардан иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун асос бўла оладиган, тижорат банкининг ҳолатини акс эттирадиган маълумотни олишга умид қиладилар.

Ички аудит фаолиятини ташкил қилишнинг айрим қирралари хорижий ва республика олимлари А.К.Макальская, В.Д.Андреев, А.Д.Шеремет ва В.П.Суйц, Х.Н.Мусаев, Б.Ҳамдамов, С.Норқобилов, Т.Қоралиев, Т.Бобоқулов, О.Абдусаломов, А.Абдуллаев, Б.Хасанов ва бошқаларнинг илмий ишларидатадқиқ қилинган.

Мазкур тадқиқот ишларида ички аудитнинг моҳиятини очишга қаратилган ёндашувлар, ходимларнинг меъёрий хужжатларга ва касб фаолияти стандартларига риоя этишини назорат қилиш ва томонлар ўртасидаги низоларни бартараф этиш масалалари, корхона амалга ошираётган операцияларнинг хусусиятлари ва унинг фаолиятидаги рискни камайтириш йўллари таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу гуруҳ олимлари ёндашувларида корхона ва ташкилотларда фаолият олиб борувчи ички аудитнинг дастлабки шаклланиш жараёнлари таҳлил қилиниб, банк тизимида ички аудитнинг алоҳида тутган ўрнига катта эътибор берилган.

Банк тизимида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш, уни амалга оширишнинг тегишли тартиб – тамойилларива услубиётини такомиллаштириш, ички аудитни амалга ошириш шакллари, йўналишларини аниқлаш, ҳамда унинг бошқа белгиларига кўра таснифлашни тақозо этади.

Бунда аудитнинг ҳар бир босқичида унинг олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда текширув жараёнини ташкил этиш, унинг белгиларига кўра мезонлардан фойдаланиш борасида ишлаб чиқилган тавсиялар аудит самарадорлигини оширишга имкон беради.

Албатта, ўтган йиллар давомида мамлакатимизда ҳам аудит хизматиغا, хусусан ички аудит хизматиغا ҳам эътибор кучайган. Буни қабул қилинган бир неча қонунлар, қарорлар, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги бир қатор стандартлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳам тасдиқлаб турибди. Хусусан, банк аудитига тўхталадиган бўлсак, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасига асосан, банк аудити ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланиши кўрсатиб ўтилган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 43-моддасига асосан, банклар қонунчилиги асосида ички аудит дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари шартлиги белгиланган. Булардан ташқари, тижорат банклари ички аудити Марказий банкнинг “Тижорат банклари ички аудитига қўйилган талаблар тўғрисида”ги Низомга асосан ҳам тартибга солинади.

Ички аудит ҳатто ташқи аудит ҳам фақатгина акциядорлар томонидан ўз мулкига ва унинг ишлатишига безътибор бўлмагандагина ва аудит хизмати тўлиқ мустақил бўлгандагина ривожланиши мумкин.

Самарали ва муваффақиятли ички аудит текширувида аудит аниқ режалаштирилган бўлиши лозим, яъни:

- аудит қамрови банкнинг барча фаолиятини ва қирраларини қамраб олиши даркор, лекин аудиторлар иши ҳаддан ташқари зўрайтирилишига йўл қўймаслик лозим, чунки бу вақт ва штат танқислиги сабабли, аудит натижаларига салбий таъсир қилиши мумкин;
- аудит текшируви бошланишидан олдин ва текшириш жараёнида аудитор риск ва назорат даражасини аниқ баҳолаб олиши даркор;
- аудит бевосита текшириладиган филиал ёки бўлимга олдиндан хабарнома берилиб, кейин бошланиши лозим, бу ҳолатлар текширишга

тайёргарлик вақтини тежаш имкониятини беради (фавқулодда текшириладиган бўлимлар бундан мустасно);

➤ аудит бошланишидан олдин ички аудит ходимлари тегишли тартибда маълумотлар билан таъминланиши, яъни текшириш объекти (филиал ёки бўлим) бўйича рискларга доир маълумотларга эга бўлиши лозим. Бу уларнинг объект бўйича муҳимлик кўрсаткичларини олдиндан чамалаб олишларига имкон беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда тижорат банкларида ички аудитни ташкил этишга Марказий банк томонидан кўйилган талабларни белгилайди.

Ички аудит хизмати - банкда ички назорат ҳолатини, жумладан молия-хўжалик фаолияти самардорлиги, ҳисобнинг ишончлилиги ва аниқлиги, ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлиги, Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги ҳужжатларига, таъсис ва ички ҳужжатларга, банк операцияларини амалга ошириш қоидалари ва тартибларига риоя қилинишини текшириш (аудит) ва мониторингини амалга оширувчи, шунингдек банк операцияларининг самардорлиги ва ишончлилигини ошириш бўйича банк кенгашига маслаҳатлар берувчи мустақил таркибий тузилма.

Ҳар бир банк ички аудит хизматини ташкил этиши, шунингдек банк кенгаши тасдиқлайдиган “Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом”, “Ички аудитни ўтказиш тартиби ва жараёнлари” ҳамда “Бош ички аудиторлавозим йўриқномаси”ни ишлаб чиқиши ва амалга киритиши шарт.

Банк кенгаши тегишли ички назорат тизимини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида аудиторлик қўмитасини тузиши лозим ва ушбу қўмита таркибига фақатгина банк кенгаши аъзолари киритилиши лозим.

Аудиторлик қўмитаси раиси ва аъзолари банк кенгаши раиси тавсиясига биноан банк кенгаши томонидан тасдиқланади. Аудиторлик қўмитаси таркибига банк кенгашининг камида учта аъзоси киритилиши керак. Аудиторлик қўмитаси таркибига кирувчи банк кенгаши аъзолари банк фаолиятига жавоб берадиган бошқа кенгаш қўмиталари аъзолари этиб тайинланмаслиги лозим

Аудиторлик қўмитаси аъзолари аудит хизмати вазифалари ва фаолиятини ташкиллаштириш учун олий маълумотга ва етарли иш тажрибасига эга бўлишлари лозим. Аудиторлик қўмитаси аъзоларининг камида битта аъзоси молиявий ҳисоботларни тузиш бўйича малакага эга бўлиши ҳамда бухгалтерлик ҳисоби ёки аудит бўйича мутахассис бўлиши лозим.

Аудиторлик қўмитасининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ҳар бир ички аудит текширувлари ўтказилгандан сўнг тақдим этиладиган аудит хизмати ҳисоботларини ўрганиш;
- ички аудит бўйича чораклик ҳисоботларни ўрганиш ва уларни банк кенгашига тақдим этиш;
- ташқи аудиторлар учун техник вазифаларни ишлаб чиқишда банк кенгашига амалий ёрдам бериш;
- ташқи аудитор таклифларини баҳолашни ўтказишда банк кенгашига амалий ёрдам бериш, ташқи аудиторни танлашда банк кенгашига тавсиялар тайёрлаш;
- Ички аудит хизмати ва ташқи аудиторларнинг тавсияларини бажариш жараёнини бошқариш бўйича ишларни банк бошқаруви раиси билан мувофиқлаштириш;
- ташқи аудиторлар ҳисоботлари, жумладан, раҳбариятга йўлланган хатни кўриб чиқиш ва уларни банк кенгашига тақдим этиш;
- ташқи ва ички аудиторлик текшируви жараёнида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек аудиторлар берган

тавсияларнинг банк бошқаруви томонидан бажарилиши устидан назорат қилиш;

Аудит хизмати фаолияти мустақиллигини таъминлаш ва унинг фаолиятига, шунингдек текширувлар таркиби ва ҳажмига бошқарув аъзолари ва банк бўлимларининг бошқа раҳбарлари аралашшига йўл қўймаслик.

Банк аудит хизмати ички назорат мониторингини амалга ошириш ва банк раҳбариятига банк фаолиятининг назорати ва натижалари бўйича объектив таҳлил, баҳо, тавсиялар ва маълумотлар тақдим этиш орқали банкнинг самарали фаолият юритишини таъминлашда банк бошқаруви органларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади.

Аудит хизматида қуйидаги вазифалар юклатилади:

➤ ўтказилган ички аудит текшируви натижаларига асосланган банкнинг реал ҳолати ва ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисидаги ишончли ва мустақил ахборот билан банк кенгашини таъминлаш;

➤ ички назорат тизимининг самарадорлиги ва монандлиги ҳамда ички аудитни ўтказиш бўйича қабул қилинган жараёнларнинг амалийлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

➤ банк фаолияти олдига қўйилган мақсадга эришишда маъмурий ва операцион жараёнларнинг самарадорлигини кузатиш;

➤ таваккалчиликларни бошқариш жараёнлари ва таваккалчиликларни баҳолаш услубиётининг самарадорлиги ва қўлланилишини кузатиш;

➤ молиявий ахборот тизимини, шунингдек электрон ахборот тизими ва электрон банк хизматини кузатиш;

➤ бухгалтерия ҳисобварақлари ва молиявий ҳисоботларнинг саранжом-саришталиги аниқлиги ва ишончлилигини кузатиш;

➤ банкнинг капитал таваккалчилигини баҳолаш билан боғлиқ капитални баҳолаш тизимини кузатиш;

➤ банк кенгаши талабларига биноан махсус текширишларни ўтказиш ёки ўтказишда амалий ёрдам бериш.

Аудит хизмати шунингдек қуйидаги функцияларни бажаради:

- банк раҳбарияти билан биргаликда фаолият юритиш;
- банк ходимлари ўз вазифаларини самарали бажаришларида ёрдам бериш;
- молиявий ҳисоботни (ойлик, чорақлик, йиллик) жорий аудиторлик текширувидан ўтказиш;
- операциялар ёки дастурларнинг натижалари уларнинг олдида кўйилган мақсад ва вазифаларга мос келиши ҳамда режалаштирилганидек бажарилишини аниқлаш мақсадида уларни текшириш;
- бухгалтерия, операцион ва маъмурий назорат тизимларининг монандлигини баҳолаш;
- банк фаолиятини ташқи аудитга тайёрлаш. Бундан ташқари, аудит хизмати: ички низом, йўриқнома, тартиб ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;
- малака ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ва бошқа ташкилотларнинг ўхшаш хизматлари билан ҳамкорлик қилади;
- маълумотларни алмашиш орқали ташқи аудиторларга ёрдам беради ва уларнинг ишида кўмаклашади;
- амалий назоратни мақбул харажат билан татбиқ этишда ёрдам беради;
- текшириш материалларини умумлаштиради ва текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотларни Аудиторлик кўмитаси ва банк раҳбариятига тақдим этади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун чора кўриш тўғрисида Аудиторлик кўмитаси ва банк раҳбариятига таклифлар беради.

Аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида олиб боради.

Аудит хизмати ходимларининг сони ички аудит вазифаларини самарали ҳал этиш ва унинг мақсадларига эришиш учун етарли бўлиши лозим.

Аудит хизмати текширувлари жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида банк кенгашига ахборот бериши лозим.

Аудит хизматини бош ички аудитор бошқаради, у банк департаменти (бош бошқармаси) раҳбари мақомига эга.

Бош аудитор аудиторлик текширувлари жараёнида аниқланган қоидабузарликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича кўрилган чораларни баҳолаш учун жавоб беради.

Банк кенгаши бош аудиторнинг ҳар чорақлаги маърузаларини тинглаши лозим.

Аудит хизмати мустақилдир ва у бевосита банк кенгаши ёки унинг Аудиторлик қўмитасига бўйсунди.

Банкнинг ҳудудий филиалларида тайинланган барча аудит хизмати ходимлари бевосита бош аудиторга бўйсундишлари лозим.

Аудит хизмати ходимлари улар томонидан текширилаётган фаолиятлардан мустақил бўлиши лозим.

Бош аудитор ёки аудит хизмати ходимларига нисбатан бўладиган ҳар қандай тазйиқ тўғрисида банк кенгаши раисига дарҳол билдирилиши лозим.

Бош аудитор банк кенгаши қарорига асосан тайинланади ва ўз хизмат вазифасидан озод этилади. Аудит хизмати ходимлари бош аудитор тақдимномасига мувофиқ банк кенгаши томонидан тасдиқланади.

Аудит хизматининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида аудит хизмати ходимларининг иш ҳақлари банк кенгаши томонидан белгиланади. Бош аудитор ҳар йили аудит хизматининг йиллик харажатлар сметасини ишлаб чиқиши ва уни банк кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиб бориши лозим. Банк кенгаши аудит хизмати харажатлар сметасига истисноли ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, банк кенгашининг қарорига кўра аудит хизмати ходимларини қўшимча моддий рағбатлантириш назарда тутилиши мумкин.

Аудит хизмати ходимлари текширув ўтказиш жараёнида қуйидаги ваколатларга эгадирлар:

➤ банк раҳбарияти ва ходимларидан банк фаолиятига боғлиқ бўлган барча зарур ҳужжатларни ёки аудит предмети ҳисобланган ҳужжатларни талаб қилиш;

➤ ички аудиторлик текширувларини ўтказиш жараёнида туғилган саволлар бўйича банк раҳбарлари ва ходимларидан тушунтиришлар олиш. Аудит хизмати ходимлари лозим бўлганда қизиқтирган саволлари бўйича ёзма равишда тушунтиришлар олиш ҳуқуқига эга;

➤ зарур ҳужжатлардан нусхалар олиш;

➤ зарур бўлганда банкда белгиланган тартибда (келгусида сақланиши гумон бўлган) ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиш;

➤ текшириш ўтказиш мақсадида банкнинг барча биноларига, шунингдек электрон ва қоғоз аривларига кириш;

➤ аудиторлик текшируви ўтказилгандан сўнг текшириш жараёнида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш.

Аудит хизмати ходимлари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

➤ текшириш натижаларини бузиб кўрсатиш;

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ банк сирини ташкил этувчи ҳар қандай маълумотларнинг махфийлигини таъминламаслик;

➤ банкнинг тегишли бўлимларидан олинган ҳужжатлар бутунлигини

➤ таъминламаслик ва қайтармаслик.

Ички аудит хизмати ходимлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда ички аудиторлар жавобгарлигини белгиловчи банкнинг ички низомларига биноан жавобгар бўладилар.

Аудит хизмати ходимлари (аудиторлар) қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

➤ бажараётган вазифалари характерига мос бўлган олий маълумотга эга бўлишлари;

➤ банкнинг пул муомаласи, кредит, валюта, депозит операциялари ёки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлимларида камида бир йил иш стажига эга

бўлишлари керак. Бош аудитор учун банкнинг юқоридаги бўлимларида камида уч йил ёки тижорат банкида раҳбарлик лавозимида камида бир йил иш стажига эга бўлиш талаб этилади;

➤ банк қонунчилиги соҳасида билимларга эга бўлишлари, шу жумладан Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларини билишлари;

➤ республикада белгиланган бухгалтерия ҳисоби ҳамда умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисоби ва аудит халқаро стандартлари қоидаларини қўллаш бўйича билимларга эга бўлишлари, шунингдек халқаро стандартлардаги ўзгаришларга мувофиқ махсус курсларда мунтазам ўқишни ўтказишлари.

Аудит хизмати ходимларининг касбий кўникмалари уларни мунтазам ва узлуксиз ўқитиб бориш орқали оширилиши лозим. Аудит хизмати ходимлари тегишли банклардан банк соҳасини компьютерлаштириш шароитида аудит ўтказиш бўйича зарурий билим ва малакага эга бўлишларида ёрдам олиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Ички аудит текширувлари фақатгина аудит хизмати ходимлари томонидан ўтказилади.

Ички аудит банк кенгаши томонидан тасдиқланган аудиторлик текшируви режасига мувофиқ ўтказилади. Аудиторлик текшируви режаси асосида батафсил аудиторлик дастури тайёрланади. Аудиторлик текшируви режасини ишлаб чиқиш учун жавобгарлик аудиторлик кўмитасига, аудиторлик дастурини ишлаб чиқиш ва бажариш учун жавобгарлик эса банкнинг Бош аудиторига юклатилади.

Аудит хизмати ишининг самарадорлиги ва монандлигини таъминлаш мақсадида аудиторлик текшируви режаси банк кенгаши томонидан бир йилда камида бир марта тегишли йилнинг 1 январига қадар қайта кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим.

Аудиторлик дастури аудиторлик текшируви мақсадини аниқ белгилаши ва изоҳлаб бериши, шунингдек батафсил иш режаси, аудиторлик

текширувини ўтказиш графиги ҳамда кўрилаётган ҳар бир соҳа учун зарурий тартиблар изоҳини ўз ичига олиши лозим.

Дастур камров доираси аудиторлик мақсадларига эришиш учун етарли бўлиши лозим. Ҳар бир дастур талаб қилинаётган ишнинг аниқ ва қисқа тарзда изоҳлаб бериши лозим ҳамда операцияларнинг хусусияти ва мукамаллигига қараб бир ёки бир нечта бўлимлар фаолиятини қамраб олиши мумкин. Дастурга киритилган тартиблар амалга оширилаётган операциялар ёки бошқа омиллар ҳажми ва мураккаблигига қараб ўзгартирилиши мумкин.

Тижорат банкларида ички аудит бир йилда камида бир марта ўтказилиши лозим.

Ички аудиторлик текширувини ўтказиш даврийлиги аудит ўтказиш лозим бўлган ҳар бир соҳага боғлиқ бўлган таваккалчилик даражасини баҳолашга асосланган бўлиши (аудит хизмати ходими операциялар таваккалчилиги даражасини аниқлашда банк операцияларининг хусусиятлари, банк активлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган ва ички назоратнинг тегишли сиёсати ва стандартларининг мавжудлиги ҳамда бошқарув ва ички назоратнинг самарадорлиги каби омилларни эътиборга олиши керак).

Ички аудит ҳажми банк ички назорат тизимининг етарли бўлиши васамарадорлигини ҳамда юклатилган мажбуриятларни бажаришдаги ишлар сифатини текшириш ва баҳолашни ўз ичига олиши лозим.

Аудит хизмати амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва тўғрилигини текшириши лозим.

Ички аудит текширувини ўтказиш жараёнида банк операциялари ва ҳисоботларга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қоида, режа, тартиб ва қонун ҳужжатларига риоя этилиши текширилиши, шунингдек банк томонидан уларга амал қилиш даражаси аниқланиши лозим.

Ички аудит текшируви натижалари текшириш ҳисоботи ва уни тўлиқ тасдиқловчи иш ҳужжатлари тўпламини ўз ичига олиши зарур. Аудиторлик

текшируви иш ҳужжатлари аудит хизмати ходимлари томонидан тайёрланади ва аудит хизмати бўлими раҳбарлари томонидан текширилади. Ушбу ҳужжатларда олинган маълумотлар ва ўтказилган таҳлил қайд этилган бўлиши, шунингдек улар аудиторлик текшируви жараёнида аниқланган ҳолатлар учун асослар ҳамда уларни яхшилаш бўйича тавсияларни ўз ичига олиши лозим.

Аудит ҳисоботи аудиторлик текшируви яқунланганидан сўнг зудлик билан тайёрланиши зарур.

Аудиторлик ҳисоботи камида аудит мақсади ва объектларини, ички аудит кўламини, аниқланган муаммо ва камчиликлар, шунингдек ҳар бир муаммоли соҳа бўйича аниқ тавсияларни ўз ичига олиши керак.

Тавсиялар аниқланган муаммоларнинг қисқача изоҳи, уларни бартараф қилишга доир талаб этиладиган чора-тадбирлар ва ушбу чора-тадбирларни амалга оширишга шахсан жавобгар бўлган шахслар ҳамда чора-тадбирларни бажариш муддатларини акс эттириши лозим.

Аудит хизмати ходимлари аниқлаган асосий камчилик ва таклифлар текшириш ўтказилаётган бўлим раҳбарияти томонидан ёзма равишда изоҳлаб берилиши лозим. Зарурат туғилганда ушбу тушунтиришлар банк кенгаши ва аудиторлик кўмитасига тақдим этилишидан олдин ҳисоботга киритилиши мумкин.

Аудит хизмати текшириш жараёнида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида ва тегишли равишда бажарилиши устидан текширишдан кейинги назоратни ўрнатиши лозим. Текширишдан кейинги назоратни ўтказиш учун жавобгарлик аудит хизматининг ёзма низомида белгиланган бўлиши керак.

Мунтазам назоратни таъминлаш ва олиб бориладиган ишларнинг такрорланишидан қутилиш учун аудит хизмати Марказий банк ва банк ташқи аудитори билан ишга доир муносабатларни таъминлаши ва ўз ишини келишиб олиши лозим.

Банк ҳар чорақда Марказий банкка банк кенгаши томонидан тасдиқланган ички аудит ҳисоботлари нусхаларини, шунингдек ўз ичига қўйидагилар тўғрисидаги маълумотларни олган, тақвимий йил якуни бўйича ўтказилган банк аудити бўйича йиғма ҳисоботни тақдим этиши лозим:

- ички назорат тизимининг монандлиги ва самарадорлигини текшириш ва баҳолаш;
- таваккалчиликларни бошқариш жараёнлари ва таваккалчиликларни баҳолаш услубиётининг қўлланилиши ва самарадорлиги таҳлили;
- бошқарув ва молиявий ахборотлар тизими, шунингдек электрон ахборотлар тизими ва банк электрон хизматлари таҳлили;
- ҳисоб ёзувлари ва молиявий ҳисоботнинг (шунингдек нашр этилган) аниқлиги ва ишончлилиги таҳлили;

I боб бўйича хулоса

Ички аудит - банк ходимларининг ўз вазифаларини самарали бажаришларида ёрдам бериш мақсадида банк фаолиятини текшириш ва баҳолаш учун банк ичида доимий асосда тузилган мустақил экспертиза. Ички аудитнинг асосий мақсади бўлиб ички аудит хизмати томонидан банк раҳбариятига банк фаолиятининг назорати ва натижалари бўйича объектив таҳлил, баҳо, тавсиялар ва маълумотлар тақдим этиш орқали банк кенгаши ва бошқарувига банк фаолияти мақсадига эришишида кўмаклашиш ҳисобланади.

Ички аудит натижалари банк раҳбарлари томонидан амалдаги қонунлар доирасида мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда жорий ишларни бошқаришда фойдаланилади. Шу тариқа ички аудит ташкилотнинг ўз мақсадига эришиши учун хизмат қилади. Банк фаолиятининг ички аудит вазифалари юқорида саналганлардан фарқ қилмайди, аммо банк фаолиятининг хусусиятлари, банк маҳсулотлари, бухгалтерия ҳисоби, ишни ташкил этиш жараёни, таваккалчилик омилларининг кўплиги билан ўзгача хусусиятга эгадир.

II БОБ.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

2.1. Тижорат банкларида ички аудит ўтказиш тартиби

Банк тизимидаги ислохотларнинг чуқурлашуви молиявий ресурсларни оқилона бошқариш усуллари ва воситаларидан кенгроқ фойдаланиш, тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштиришда эса бевосита ва билвосита назорат воситаларини кенг қўллашни тоқоза этади. Шу боис Марказий банк тижорат банклари ва уларнинг филиаллари молиявий-хўжалик фаолиятини вақти-вақти билан мунтазам назорат қилиб туришга катта эътибор қаратмоқда. Жахон тажрибаси кўрсатишича, тижорат банклари барқарорлигини сақлашда ташқи ва ички аудит катта аҳамият касб этади. Марказий банкнинг ички аудитни кучайтиришга нисбатан қўяётган қатъий талаблари назорат органлари ва молия-кредит муассасаларининг ўз зиммаларига юкланаётган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажаришига шароит яратмоқда.

Ички аудит хизматини йўлга қўйишдан кутилган мақсад ички назорат тизими, жумладан, молиявий ҳисоботларни тузиш устидан назорат ўрнатишдир. Ички аудит томонидан банк фаолияти, бошқарув жараёни сифатини ошириш, банк фаолиятини янада яхшилашга йўналтирилган объектив баҳо ва маслаҳат бериш банкнинг молиявий бозордаги ўрнини мустаҳкамлашга олиб келади. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил этиш банк кенгашининг зиммасига юклатилган бўлиб, ички назоратнинг самарадорлиги билан боғлиқ масалаларни вақти-вақти билан кўриб боради, банкдаги ички назорат аҳволини банк менежерлари, ички аудиторлар билан муҳокама этади. Ички аудиторлар назорат муассасаларининг банкда аниқланган камчиликларни баратараф этишдаги таклифларининг банк раҳбарлари томонидан бажарилишини таъминлайди, мавжуд таваккалчилик ва лимитларнинг банк стратегиясига мос келишини кузатиб боради. Банк раҳбарияти ходимларнинг ўз бурчларини оғишмай бажаришини

таъминлайдиган ваколат ва масъулиятини аниқ белгилаб бериши керак. Чунки банк рискларини назорат қилиш ва мониторинг қилиш учун биринчи навбатда банк раҳбарлари жавобгардир.

Ички аудит ўз фаолиятининг мақсадларига эришиш учун асосан кўйидаги вазифаларни бажаради:

- Банк кенгашини аудит текширувларига асосланган банкнинг ҳақиқий молиявий ҳолати ва банкнинг ички назорат тизими самарадорлиги тўғрисидаги аниқ ва мустақил (ҳолис) маълумотлар билан таъминлаб боради;

- ички аудит тизимининг самарадорлиги ва аудит текширувини ўтказишга доир қабул қилинган тартиб ва тадбирларнинг амалда қандай қўлланилаётгани ва таъсирчанлигини баҳолайди ва таҳлил қилади;

- банк фаолиятида кўзланган мақсадларга эришиш учун қўлланилган маъмурий ва амалий тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилади;

- таваккалчиликларни бошқаришга ва уларни баҳолаш услубларига доир тартибларнинг қўлланилиши ҳамда уларнинг самарадорлигини таҳлил қилади;

- молиявий маълумотлар тизимини, жумладан электрон маълумотлар тизими ва электрон банк хизматларини таҳлил қилади;

- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигини таҳлил қилади;

- банк фаолиятининг амалдаги қонун ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини баҳолайди;

- банк кенгаши томонидан қабул қилинган ички сиёсатлар ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилинишини текширади;

- доимий ҳисоботларнинг тўлиқлилиги, ишончлилиги ва ўз вақтида тақдим қилинишини текширади;

- бухгалтерия китоби ва молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини ўрганади;

- капитал таркиби ва етарлилиги, активлар сифати ва ссуда портфелини таснифлаш асосида заҳиралар ташкил қилинишини, баланс ва

балансдан ташқари моддалар таркибидаги ўзгаришлар ҳаракати ва жиҳатларини, бош банк томонидан тасдиқланган молия режаси ижросининг бажарилишини, даромадлар таркибидаги баланснинг асосий жиҳатларини, бошқарувнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилади;

- банк кенгаши талабига асосан махсус текширишлар ўтказди ёки махсус текширишлар ўтказишга ёрдам беради;

- банк ходимларига уларнинг ўз вазифаларини самарали бажаришда кўмаклашиш;

- ойлик, чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни жорий аудитдан ўтказиш;

- бухгалтерия, амалиёт ва маъмурий назорат тизимининг монандлигини баҳолашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ички аудит хизмати:

- банк ички сиёсати ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқишда қатнашади;

- ўзаро тажриба алмашиш ва малака ошириш мақсадида бошқа тижорат банклари ва ташкилотларнинг ички аудит хизматлари билан ҳамкорлик қилади;

- маълумотларни алмашиш орқали ички аудит ходимлари ташқи аудиторларга ёрдам беради ва уларнинг ишида кўмаклашади;

- ўтказилган аудит текширувлари материалларини умумлаштиради ва аудиторлик қўмитасига текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади;

- аудит ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича банк кенгаши ва бошқарув томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши устидан доимий назорат олиб боради.

Аудит хизматига банк кенгаши томонидан тайинланган бош аудитор раҳбарлик қилади. У аудит ўтказишни режалаштиради, сиёсат ва

жараёнларни белгилайди, ходимлар малакасини ошириш ва ўқитиш чораларини кўради, сифатга жавоб беради.

Бош аудиторнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аудит хизмати фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;
- аудит хизматининг таркибий бўлимлари тўзилишини, уларнинг лавозим вазифаларини, аудит хизматининг низомини, аудит текширишлари тартибларини, аудит хизматининг йиллик харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва ушбу ҳужжатларнинг ички аудит стандартларига мувофиқлигини таъминлайди;
- аудит хизматига малакали ходимларни жалб қилади ва улар фаолиятини бевосита бошқаради;
- аудит хизмати ходимларининг малакаларини ошириш чораларини кўриб боради;
- банк кенгаши ва аудиторлик қўмитасига аудит хизмати фаолияти бўйича доимий ҳисоботлар бериб боради;
- бош аудитор лавозим йўриқномасида қайд этилган бошқа вазифаларни бажаради.

Аудит хизмати ходимларининг ҳуқуқ ва ваколатларининг аниқ белгиланиши ўз фаолиятини сифатли ва самарали бажарилишини таъминлайди.

Текширув давомида улар:

- текшириш ўтказиш мақсадида бош банк ва банк филиалларининг барча бино ва хоналарига, шу жумладан касса тармоғи, пул алмаштириш шохобчалари, жамғарма кассаларига тўсиқсиз кириш;
- банк фаолиятига тегишли бўлган ва аудит текшируви предмети ҳисобланган барча зарур ҳужжатларни банк ва банк филиаллари раҳбарлари ҳамда ходимларидан талаб қилиш;
- текшириш давомида банк ва унинг филиаллари раҳбарлари, ходимларидан юзага келган саволлар бўйича тушунтиришлар олиш, зарур ҳолларда улардан ёзма тушунтиришлар олиш;

➤ хужжатлардан нусхалар олиш; зарур ҳолларда, белгиланган тартибда (келгусида сақланиши гумон бўлган) хужжатларнинг асл нусхаларини олиб қўйиш;

➤ алоҳида банк операциялари ва хужжатлари текширилаётганда расмий сўровнома орқали банк мижозларидан зарур маълумотлар, тасдиқномалар ва хужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқ ва ваколатларига эга бўлиши керак.

Бундан ташқари, текшириш жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар бўйича филиалларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши тўғрисида банк кенгашига таклифлар киритиб бориши лозим.

Аудит хизмати ходимлари банк фаолиятининг барча қирраларини текшириш ҳуқуқи ўз навбатида, уларга муайян мажбуриятлар ҳам юклайди, ҳисоботларнинг тўғри ва ҳаққоний тўзилишида катта масъулиятга эга бўладилар.

Бу жиҳатдан улар:

➤ банк муассасасида текшириш ўтказиш ҳақидаги фармойиш ва хизмат гувоҳномасига эга бўлиши;

➤ банк ва унинг филиалларида ўтказилган текшириш жараёнида маълум бўлган банк ва тижорат сирларининг махфийлигини таъминлаши;

➤ аудит текширувларини мутлақ мустақил равишда олиб бориши;

➤ аудит текширувларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиши;

➤ текшириш натижалари бўйича ўз вақтида ҳолис аудит ҳисоботларини тайёрлаш ва тақдим этиши;

➤ аудит текшируви ўтказишга доир Марказий банк меъёрий хужжатлари ва банкнинг ички меъёрий хужжатларига риоя қилиши лозим.

Шу билан бирга ички аудит хизмати ходимлари:

➤ текшириш натижаларини бўзиб кўрсатгани, банк ва унинг филиаллари молиявий ҳолатига ҳолис баҳо бермагани;

➤ текшириш жараёнида маълум бўлган банк ва тижорат сирларининг махфийлигини таъминламагани;

➤ текшириш давомида олинган ҳужжатларнинг бутлиги ва қайтарилишини таъминламагани учун ички аудит хизмати ходимлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва банкнинг тегишли ички меъёрий ҳужжатларига биноан жавобгар бўлиши лозим.

Ички аудит хизмати ходимларининг профессионал малакаси ички аудит хизмати ва ҳар бир аудиторнинг масъуллигини белгилайди. Ҳар бир аудитор бухгалтерия ҳисоби, иқтисодиёт, молиявий иш, статистика, маълумотларни қайта ишлаш, техника, солиққа тортиш ва ҳуқуқ соҳасида пухта билимга, иш фаолияти давомида ички аудит стандартлари, процедуралари ва усуллари, бухгалтерия ҳисоб принципи ва методлари, бошқарув принциплари, АКТда жойлаштирилган ахборот тизими ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим.

Бунда банк ички аудити ходимлари:

- бажараётган вазифалари ҳаракатига мос олий маълумотга ҳамда тегишли касбий кўникма ва малакага эга бўлишлари;
- банк қонунчилиги ҳамда Марказий банкнинг банк фаолиятини тартибга солувчи йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларини билишлари;
- умумий қабул қилинган халқаро бухгалтерия ва аудит андозаларини яхши билишлари;
- ўз малакаларини доимий равишда ошириб боришлари;
- вазифаларни ҳал этиш кўлами ва муддатига доир аудиторлик дастурлари режалаштирилаётганда чекловларга эга бўлмасликлари лозим.

Текширувлар “Аудит хизматининг банклар фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш тўғрисида”ги тартибига асосан амалга оширилади.

Тижорат банклари ички аудит хизматининг иш дастури:

- аудит текшируви аниқ мақсадга эга бўлиши;
- дастур қамров доираси аудит мақсадларига эришиш учун етарли бўлиши;
- бажарилган иш режаси ва кўриладиган ҳар бир тармоқнинг зарур тамойиллари тасвирини ўз ичига олиши талабларига жавоб бериши лозим.

Амалга оширилаётган амалиётлар ҳажми ва мураккаблигига ёки ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатларнинг ўзгаришига қараб дастурга киритилган тамойиллар ўзгариб туриши мумкин.

Аудиторлик ҳисоботи аудит текшируви тугаши билан қисқа муддат ичида тайёрланади. У ўз ичига аудит текшируви мақсади ва объекти, текшириш вақтида аниқланган муаммо ва камчиликлар, аниқланган ҳар бир муаммони бартараф этиш бўйича таклифларни қамраб олган бўлиши шарт.

Муаммоларни бартараф этиш бўйича тайёрланган таклифларда аниқланган муаммоларнинг қисқача тавсифи, бу муаммоларни бартараф этиш бўйича амалга ошириладиган чоралар, уларга бириктирилган масъул ходимлар ва чораларни амалга ошириш учун белгиланган муддатлар кўрсатилган бўлиши лозим.

Аудит хизмати ходимларининг ҳисоботлари бевосита банк кенгашига ва аудиторлик қўмитасига тақдим қилинади. Ушбу ҳисоботларнинг нусхалари банк бошқарувиغا, аниқланган камчиликларга тегишли бўлган қисми эса муайян бошқармаларга тақдим этилади. Аудит хизмати текшириш жараёнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича филиаллар томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва уларга амал қилинишини назорат этиши лозим.

Аудит текширувларини ўтказишдан мақсад, бош банкни ва унинг барча филиаллари фаолиятини аудитдан ўтказиш, банклар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини назорат қилиш, бухгалтерия, операция ва маъмурий назорат тизимлари монандлигини баҳолаш, филиаллар фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш орқали банк кенгаши ва банк бошқарувиغا банк фаолияти бўйича белгиланган истиқбол ва мақсадларга эришишда кўмаклашишдан иборат.

Бош банк ва филиаллар фаолиятини аудитдан ўтказиш банк кенгаши томонидан тасдиқланган “Аудит хизматининг филиаллар фаолиятини аудитдан ўтказиш бўйича текшириш режаси”га асосан амалга оширилади ва ушбу ҳужжат махфий ҳисобланади. Текшириш режасига бош банк ва унинг

барча филиаллари киритилган бўлиши лозим. Филиалларнинг молиявий аҳволи ёхуд иқтисодий кўрсаткичлари кескин ўзгарган ҳолатларда текшириш режасига ўзгартириш киритилиши мумкин.

Аудит текширувлари аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади. Филиалларда аудит ўтказиш бўйича аудит хизмати ходимлари сафидан аудит ўтказиш ишчи гуруҳи тўзилади. Ушбу гуруҳ аъзоларидан гуруҳ раҳбари тайинланади. Гуруҳ раҳбари мазкур гуруҳ ишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради, гуруҳ аъзоларига аудит ўтказиш бўйича топшириқларни тақсимлайди, улар томонидан тайёрланган материалларни умумлаштиради ва ушбу материаллар учун жавобгар ҳисобланади, текширилаётган филиалдаги вазият ва муаммолар ҳақида вақти-вақти билан бош аудиторни хабардор этиб туради.

Аудит ўтказиш ишчи гуруҳи текшириш режалаштирилган бош банк ёки филиал фаолиятини аудит текширувидан ўтказишдан олдин, текшириладиган банк муассасасида унинг фаолияти аҳволини тавсифловчи илгариги текширув материаллари билан танишиб чиқишлари лозим. Бунда мазкур филиал асосан қайси соҳалар бўйича камчиликларга йўл қўйгани ва бу камчиликларнинг қанчалик бартараф этилганига эътибор қаратилади. Шунингдек, аудит ўтказилиши кўтилаётган филиалнинг бош банкка берган ҳисобот ва маълумотлари билан танишиб чиқишлари лозим ва бунинг учун уларга тегишли бўлган ҳисоботлар ва ҳужжатлар тўплами бош банкнинг тегишли бошқарма ва бўлимларидан талаб қилиб олинади.

Муайян филиал ёки бош банкда аудит текшируви ўтказиш бўйича расмийлаштирилган фармойиш асосида амалга оширилади. Аудит ўтказиш тўғрисидаги фармойишлар аудит хизмати томонидан алоҳида китобда рўйхатга олиб борилади.

Фармойишда аудит ўтказилаётган филиалнинг тўлиқ номи, текшириш даври ва муддатлари, аудит текширувига қатнашувчи аудит хизмати ходимларининг рўйхати, гуруҳ раҳбари аниқ кўрсатилиши шарт. Аудит ўтказилиши учун расмийлаштирилган фармойишлар филиаллар касса

тармоқларида тўсатдан текширув ўтказишни таъминлаш мақсадида бир марталик рухсатнома расмийлаштирмасдан ҳамда касса учун масъул мансабдор шахсларнинг биттаси бўлган тақдирда ҳам филиаллар кассаларида текширув ўтказиш ҳуқуқини беради.

Муайян банк муассасасида аудит ўтказиш тўғрисидаги фармойиш билан мазкур банк раҳбари таништирилиши лозим. Ўтказилаётган аудит текширувининг белгиланган тартибда ва ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш учун аудит хизмати ходимларига тегишли шарт-шароит яратиб берилишига филиал раҳбарлари масъул ҳисобланади. Аудиторларнинг компьютер тизимидаги дастурий таъминотлар ва маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятлари чекланмаслиги лозим.

Аудиторлар томонидан талабномага асосан талаб қилинадиган барча ҳужжатларнинг ўз вақтида тақдим қилиниши учун филиаллар ходимлари масъул бўлади. Аудит ўтказилиши бўйича талаб қилинадиган ҳужжатларнинг ўз вақтида тақдим қилинмаслиги бевосита аудит текшируви муддатининг узайишига таъсир кўрсатади ва ушбу ҳолат мазкур филиал ходимларининг масъулиятсизлиги деб баҳоланади.

Алоҳида банк операциялари ва ҳужжатлари текшириляётганда расмий сўровнома орқали банк миждозларидан зарур маълумотлар, тасдиқномалар ва ҳужжатлар ҳам талаб қилиб олиниши мумкин. Филиаллар фаолияти аудитдан ўтказилаётганда айрим ҳолатларда ҳужжатлардан нусхалар олиниши, зарур ҳолларда эса белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг, ҳужжатларнинг асл нусхалари олиниши мумкин. Аудиторлар текширув ўтказиш жараёнида айрим ҳолатлар бўйича йўл қўйилган камчиликлар юзасидан филиал ходимларидан тушунтириш хатлари талаб қилиши мумкин.


Аудит текширувининг сўнгги босқичида текширув материаллари умумлаштирилиб, далолатнома расмийлаштирилади ва ушбу ҳужжат аудитда қатнашган барча аудит хизмати ходимлари ҳамда филиал раҳбарияти томонидан имзоланади. Филиал раҳбарлари ушбу

материалларни имзолашдан бош тортган ҳолларда эса ёзма равишда тушунтириш беришлари шарт.

Амалиёт кассалари бўйича тузилган материаллар махфийлиги туфайлиги алоҳида далолатнома расмийлаштирилади ҳамда ушбу ҳужжат филиал кассасида иштирок этган аудиторлар ва касса учун масъул филиал ходимлари томонидан имзоланади. Ушбу ҳужжатнинг биринчи нусхаси филиалнинг махсус бўлими орқали Бош банкка жўнатилади ҳамда унинг тўлалигича ва ўз вақтида жўнатилиши учун филиал раҳбарлари жавобгар ҳисобланади.

Аудит текширувлари тугаши билан аудит хизмати томонидан қисқа муддат ичида аудиторлик ҳисоботлари тайёрланади. Ушбу ҳисоботлар бевосита Аудиторлик қўмитасига тақдим этилади. Бошқармаларга тегишли бўлган аудит хизматининг материалларида акс эттирилган камчиликлар юзасидан уларни бартараф этиш бўйича қандай тадбирлар ишлаб чиқиши, камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан қандай чоралар кўрилиши кераклиги ҳақида икки кун муддат ичида тегишли бошқармалар ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма равишда аудит хизматига тақдим этишлари лозим. Кредит операциялари аудити Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва бевосита тижорат банкининг кредит сиёсатига асосланган ҳолда ўтказилади.

Кредит портфели таҳлиliga асосланган ҳолда аудит муайян берилган кредитга банкнинг таваккалчилигини аниқлайди. Ушбу босқич алоҳида эътибор беришни талаб этади. Чунки аудиторлар таваккалчилик даражасига қараб аниқ кредитга нисбатан ҳисобланган захирани кўпайтириш ёки камайтиришга ҳақлидир, бу эса банк активининг сифатида ўз ифодасини топади. Кредит портфелининг ҳолатини таҳлил қилишда аудитор кредит бериш билан боғлиқ бир нечта кўрсаткичларни, яъни берилган кредитнинг ўзига хос хусусияти, унинг таъминланиши, фоизларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида даромад ҳисобварақларига олиниши, қайтарилиш муддатлари ва ҳоказоларни ўрганиши лозим бўлади.



2.1-расм. АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” кредит портфели ҳажми ўзгариши⁴ (млрд сўмда) (йил бошига нисбатан)

2.1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” кредит портфели ҳажми 2014 йил 1 январ ҳолатига кўра 4944,2 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йил 1 январда ушбу кўрсаткич 7227,1 млрд сўмга етган, яъни, 2282,9 млрд сўмга ошган.

Ички аудит ўтказилаётган тижорат банкида кредит портфели бўйича қуйидагилар аудитдан ўтказилади:

- кредит олиш учун берилган буюртмаларнинг махсус китобда рўйхатдан ўтказилиш тартиби;
- ажратилган кредитлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, ҳужжатларнинг тўлиқлиги, кредит қайтарилган ҳолатда ҳужжатларнинг белгиланган тартибда архивга топширилиши;
- кредитларнинг ҳар бир турига очилган аналитик ҳисобларнинг юритилиш тартиби;
- кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳисобланиши, уларнинг тегишли ҳисобварақларга ўз вақтида ўтказилиши;
- муддати ўтказиб юборилган кредитлар ҳисобини ўз вақтида бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш тартиби;

⁴АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” 2015 йил учун йиллик ҳисоботи. 56 бет

➤ берилган кредитлар учун талаб қилиб олинган муддатли мажбуриятномаларнинг тўлиқлиги ва уларнинг ҳисоби;

➤ кредит портфели текширилгандан сўнг, йўл қўйилган хатоликларни кўрсатиб бериш ҳамда уларни бартараф этиш ва кредит портфели сифатини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши талаб этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизимининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни самарали бўлишида башқарувнинг таркибий қисми бўлган ички аудитга назоратнинг зарур элементи сифатида ёндошиш зарурдир. Зеро, ички аудит банкларнинг молиявий ҳолатини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолашган, бозор эҳтиёжларини аниқлаш ва шу тариқа банкларнинг иш самарадорлигини оширишда улар учун бозорда самарали рақобат муҳитини яратишда катта ёрдам беради. Тадбиркорлик фаолияти жараёнида юқори даражада даромад олиш, иқтисодий субъектлар ривожланишининг оптимал траекториясига эришиш учун энг мақбул воситалар зарурлиги боис, аксарият мулкдорлар ички аудит хизматининг мавжуд бўлишидан манфаатдордирлар.

Аудит хизматининг иш дастури бош банк ёки филиаллар олдида турган барча (кредит, операцион, ликвидлилик, фоиз ставкалари, валюта, ҳуқуқий ўз мавқеини йўқотиш) тавакалчилик даражаларини баҳолаб беришга қаратилади.

Бош банк ёки филиаллар фаолияти аудит текширувидан ўтказилганда қуйидаги масалаларни ёритиб бериши лозим:

➤ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига риоя қилинишини;

➤ бош банк ёки филиалнинг иқтисодий-меъёрий кўрсаткичларини, маблағларнинг етарлилигини, ликвидлилигини активлар сифатини;

➤ кредиторлар ва омонатчилар олдидаги ўз мажбуриятларини бажара олаётганини;

➤ банкларнинг депозити, кредит, пул муомаласи, ҳисоб-китоб, касса, валюта ва бошқа операциялари бўйича ўтказилган амалларнинг тўғри ва асосланганлигини;

➤ ички назорат аҳволини, тузилаётган ҳисоботларнинг ўз вақтида ва тўғри тузилиб, тегишли жойларга тақдим этилаётганини;

➤ ходимларнинг ижро интизомини; филиал раҳбарларининг банк ишини қай тарзда ташкил қилинганини ҳамда банк даромадларини ошириш ва харажатларини камайтириш борасида олиб бораётган ишларни аниқлашдан иборат.

Тижорат банкларни ички аудитдан ўтказишда асосан тижорат банкларнинг қуйидаги фаолияти амалдаги қонунчиликка ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги аудитдан ўтказилади:

➤ ўз маблағларини аудити;

➤ кредит портфелини аудитдан ўтказиш;

➤ касса ишини аудитдан ўтказиш;

➤ пул муомаласи ишини аудитдан ўтказиш;

➤ жамғарма ишларини аудитдан ўтказиш;

➤ қимматли қоғозлар операцияларини аудитдан ўтказиш;

➤ валюта операцияларини аудитда ўтказиш; ички банк операциялари ва солиқларнинг ўз вақтида тўланиши аудити;

➤ банклараро ҳисоб китоблар муносабатининг аудити;

➤ банк даромади, фойда ва харажатларини аудити.

Тижорат банкларида бошқарув тизими учун ички аудит фаолиятини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва афзаллик жиҳатлари қуйидагилар билан изоҳланади:

➤ ташқи аудитга нисбатан кам харажатлилиги;

➤ қонунчиликка доимий риоя қилинишининг кафолатланиши;

➤ ички аудиторлар хизматидан мунтазам фойдаланиш имконияти;

➤ ички аудиторларнинг банкдаги вазиятдан, бошқарув услубидан, банкда қабул қилинган сиёсатдан хабардорлиги;

➤ аудиторлар орқали банк бўлимларидаги юқори малакали мутахасисларнинг текширувларга жалб қилиниши;

➤ илғор технологиялар ва иш услубини жорий этишнинг рағбатлантирилишига кўмак берувчи тизим эканлиги.

Ички аудит хизматининг фаолияти икки йўналишдан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси, банк фаолияти натижаларини, иккинчиси, банк фаолияти самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Ички аудитнинг асосий вазифаси, банк бошқаруви томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлик даражасини ҳамда рискларни даромадлилик даражаси билан ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш, банк самарадорлигини ошириш мақсадида дастурий маҳсулотлар сифатини ҳуқуқий жиҳатдан текшириш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифларни банк бошқарувига тақдим этишдан иборат.


Банк тизимида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш, уни амалга оширишнинг тегишли тартиб-тамойиллари ва услубиётини такомиллаштириш, ички аудитни амалга ошириш шакллари, йўналишларини аниқлаш, ҳамда унинг бошқа белгиларига кўра таснифлашни тақозо этади. Тадқиқот ишида тижорат банкларида ички аудитнинг босқичларидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш белгилари ва мезонлари аниқлаштирилган.

Ўзбекистонда тижорат банклари ички аудит тизими фаолияти «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга, аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи қарор, низом ва аудиторлик стандартлари каби меъёрий ҳужжатларга асосланган бўлиб, улар асосан ташқи аудиторлик фирмалари учун мўлжаллангандир. Бундай ҳолат ички аудитнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Ривожланган мамлакатлар амалётида қўлланилаётган стандартларидан келиб чиққан ҳолда, аудитнинг мавжуд ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, айти ички аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаб ўтиш жоизки ушбу стандартларни жорий қилиш жараёни босқичма – босқич амалга оширилган

ҳолда, унинг дастлабки босқичида аудит хизмати тизимидаги ҳолат ва ходимларнинг малакаларига эътибор қаратиш, кейинги босқичда эса бевосита аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш орқали амалга ошириш мумкин.

Шунинг учун аудиторлар иш жараёнини ҳар бир босқичини ҳужжатлаштиришда халқаро аудиторлик стандартлари талабларига риоя этиши ва аудит далилларини уларга мос равишда шакллантиришга алоҳида эътибор беришлари лозим (2.2 – расм)



2.2- расм. Аудиторлик далилларини шакллантириш жараёни⁵


Ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш, энг аввало, унинг концептуал асосини яратиш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, ички назорат изими ва услубини шакллантиришни тақозо қилади. Табиийки, ушбу сифат кўрсаткичларсиз банк тизимида жорий қилинган ички аудит фаолиятини баҳолаш мумкин эмас.

Базель кўмитасининг тавсияларига кўра, ички аудит хизмати банк фаолияти устидан мутассил назорат олиб боришнинг таркибий қисми ҳисоланади. Республикамиз тижорат банкларида ички аудит хизмати муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, унинг фаолияти Марказий банк тавсиялари асосида

⁵Халқаро аудиторлик стандартлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил тайёрланди

ишлаб чиқилган низомда текширувни ташкил этиш ва олиб бориш жараёнлари умумий кўринишда ёритиб берилган.

Республикамиз иқтисодиёти эркинлашуви шароитида ички аудит фаолияти самарадорлигини оширишга аудит кўмитаси, ташқи аудиторлар, ходимлар мустақиллиги ва малакасига бўлган талаблар каби омиллар таъсир кўрсатади.



2.3- расм. Ички аудиторлик фаолиятига таъсир этувчи омиллар⁶

Лекин ушбу омилларни амалиётга тадбиқ этиш юзасидан етарлича тавсиялар ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки, уларни амалиётга тадбиқ этилиши ички аудит хизмати фаолиятини самарадорлигини оширишга бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, ички аудиторлик фаолияти стандартларининг жорий этилиши ушбу тизимнинг сифат тамойилларини такомиллаштириш, иш самарадорлигини ошириш ва ташқи аудиторларнинг иш ҳажмини камайтириш имкониятини яратади.


2.2. АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” кредит операцияларини ички аудит таҳлили

“Айни пайтда банкларимизнинг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан икки баробардан ҳам кўпдир. Бу

⁶Тулаходжаева М. Организация и методы финансового контроля в Республике Узбекистан/ Афтореф. док. экон. наук. – М.: МГУ, 2008 г.

эса ушбу маблағларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди»⁷ деб таъкидлаган эди Биринчи Президентимиз ўз асарида.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг фармонида биноан фуқароларнинг банклар депозитларидаги омонатлари, уларнинг миқдоридан қатъий назар, давлат томонидан тўла кафолатланади.



**2.4-расм. Тижорат банклари активларининг ўсиш динамикаси
(млрд. сўм)⁸ (йил бошига нисбатан)**

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича халқаро Базель кўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баробар кўп эканини таъкидлаш жоиз. Қуйидаги 2.4-расмда банк активлари ҳолати келтирилмоқда.


Диаграмма кўрсаткичларидан айтиш мумкинки, мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг активлари 2016 йил 1 январь ҳолатига 65,2 трлн.

⁷Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

⁸Манба: <http://cbu.uz/uzc/press-tsentr/press-relizy/2017/01/80452/>

сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йил 1 январь ҳолатида эса бу кўрсаткич 80,4 трлн. сўмни ташкил этган. 2016 йилга нисбатан 1,2 баробар ўсди.

2016 йилда тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, барқарорлигини таъминлаш, инвестиция жараёнларида иштирокини янада кенгайтириш, уларнинг эркинлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Айтиш керакки, банкларнинг иқтисодий ўсишни молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштироки янада фаоллашиб, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда ва қуйидаги расмда келтирилади.



2.5-расм. Иқтисодиётнинг модернизация қилишга йўналтирилган инвестициявий кредитлар динамикаси (млрд. сўм)⁹ (йил бошига нисбатан)

2.5-расм кўрсаткичларига кўра, 2017 йил 1 январь ҳолатига умумий кредит қўйилмалари миқдори 12,2 трлн. сўмга етди ва 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига 10,2 трлн. сўм бўлиб нисбатан 1,2 баробарга ошганлиги ижобий ҳолдир.

Биргина, кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасида қабул қилинган директив ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг қўламли тадбирлар кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажмининг 2015 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпайишига, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 15,9 трлн. сўмдан ошишига имкон берди.

Ички аудит хизмати ходимларининг профессионал малакаси ички аудит хизмати ва ҳар бир аудиторнинг масъуллигини белгилайди. Ҳар бир аудитор

⁹Манба: <http://cbu.uz/uzc/press-tsentr/press-relizy/2017/01/80452/>

бухгалтерия ҳисоби, иқтисодиёт, молиявий иш, статистика, маълумотларни қайта ишлаш, техника, солиққа тортиш ва ҳуқуқ соҳасида пухта билимга, иш фаолияти давомида ички аудит стандартлари, процедуралари ва усулларини, бухгалтерия ҳисоб принципи ва методлари, бошқарув принциплари, АКТда жойлаштирилган ахборот тизими ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим. Бунда:

- бажараётган вазифалари характерига мос олий маълумотга ҳамда тегишли касбий кўникма ва малакага эга бўлишлари;
- банк қонунчилиги ҳамда Марказий банкнинг банк фаолиятини тартибга солувчи йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларини билишлари;
- умумий қабул қилинган халқаро бухгалтерия ва аудит андозаларини яхши билишлари;
- ўз малакаларини доимий равишда ошириб боришлари;
- вазифаларни ҳал этиш кўлами ва муддатига доир аудиторлик дастурлари режалаштирилаётганда чекловларга эга бўлмасликлари лозим.

Тижорат банклари актив операциялари - бу банк томонидан фойда олиш мақсадида ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларни самарали жойлаштиришдир.

Банклар актив операцияларни амалга ошириш чоғида белгиланган ликвидлик меъёрларига амал қилиши ва айрим тур активлар бўйича рискларни мақсадга мувофиқ тақсимланишини таъминлаши зарур булади.

Банкнинг актив операцияларини 4 гуруҳга булиш мумкин:

- Кредит операциялари. Бунинг натижасида банкнинг кредит портфели шаклланади.
- Инвестиция операциялари. Бунинг натижасида банкнинг инвестиция портфели шаклланади.
- Касса ва ҳисоб-китоб операциялари. Бу орқали банк ўз мижозларига асосий хизмат турларини кўрсатади.
- Бошка актив операциялари. Мазкур операциялар банк фаолиятини самарали амалга оширишга тегишли инфратузилма яратиш билан боғлиқ операциялардир.

Ўз навбатида, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” нинг актив операциялари ҳолати куйидаги жадвалда келтирилади.

2.1-жадвал

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” активининг ҳолати¹⁰ (минг сўмда)

№	Активлар таркиби	01.01.2017 йил		01.01.2016 йил		суммадан фарқ	Фарқи (фоизда) %
		сумма	улуши %	сумма	улуши %		
1	Нақд пуллар	368778932	3,6	99970044	1,1	268808888	368,9
2	Ўз.Р.М. банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар	546020868	5,3	426432736	4,8	119588132	128,0
3	Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар	580555274	5,6	924647417	10,5	-344092143	62,8
4	Олди–сотди қимматли қоғозлар	0	0	0	0	0	0
5	Инвестициялар-сотиш учун нақд бўлганлари	14483955	0,1	14264205	0,2	219750	101,5
6	Сўндириш муддатигача сақланадиган инвестициялар	13209288	0,1	14199534	0,2	-990246	93,0
7	Мижозларга берилган кредитлар ,бўнақлар	8854162799	85,9	7308349475	82,8	1545813324	121,2
8	Минус: Эҳтимолий зарарлар бўйича захира	285638016	2,8	191076767	2,2	94561249	149,5
9	Соф кредитлар ва бўнақлар	8568524783	83,1	7117272708	80,7	1451252075	120,4
10	Молиявий ижара – соф ҳолда	0	0	0	0	0	0
11	Қарам жамиятларига инвестициялар	3471066	0,3	3445024	0,3	26042	100,8
12	Асосий воситалар (соф. қиймати)	111017439	1,1	88534480	1,0	22482959	125,4
13	Номоддий активлар (соф қиймат)	1597877	0,1	2588653	0,2	-990776	61,7
14	Бошқа хусусий мулклар	0	0,0	0	0,0	0	0
15	Солиқ талаблари	28943479	0,3	22080055	0,3	6863424	131,1
16	Бошқа активлар	26407722	0,3	52303928	0,6	-25896206	50,5
17	Узоқ муддатли активлар (сотиш учун мўлжалланган)	45997136	0,4	57400777	0,7	-11403641	80,1
	Жами активлар	10309007819	100	8823139561	100	1485868258	116,8

¹⁰ АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Жадвал маълумотлари кўришиб турибдики, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг активлари 2015 йилнинг 31 декабрь ҳолатига 8823139561 минг сўмни ташкил этиб, 2016 йил 31 декабр ҳолатига 10309007819 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига нисбатан 1485868258 минг сўмга ошган. Активлар таркибида асосий улушни 85.9 фоизни кредит қўйилмалари тўғри келганлигини кўриш мумкин.

Қуйидаги жадвалда банкнинг даромад келтирувчи активлари келтирилади.

2.2-жадвал

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг даромад келтирувчи активлари¹¹

№	Даромадкелтирувчи активлар	01.01.2017		01.01.2016	
		минг сўм	улуши %	минг сўм	улуши %
1	Бошқа банклардан олинган лозим бўлган маблағлар	580555274	5,6	924647417	10,5
2	Инвестициялар-сотиш учун нақд бўлганлари	14483955	0,1	14264205	0,2
3	Соф кредитлар ва бўнақлар	8568524783	83,1	7117272708	80,7
4	Молиявий ижара – соф ҳолда	0	0	0	0
5	Бошқа активлар	26407722	0,3	52303928	0,6
6	Жами даромад келтирувчи активлар	9189971734	89,1	8108488258	91,9
7	Жами активлар	10309007819	100	8823139561	100

Жадвал маълумотлари таҳлил этилганда, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг 2017 йил 1 январь ҳолатига даромад келтирадиган активлари 9189971734 минг сўмни ташкил этиб, 2016 йил 1 январь ҳолатига 8108488258 минг сўмни ташкил этиб, 1081483476 минг сўмга камайган. Шунингдек, даромад келтирувчи активларини банкнинг жами активларидаги улуши 2017 йилда 89,1 фоизни ташкил этган.

Тижорат банкларини ички аудитдан ўтказишда банкнинг даромадлар таркибини таҳлил қилиш ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки банкнинг даромади банк фаолияти учун муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” 01.01.2017 йил учун даромадлари таркиби тузилиши келтирилган.

¹¹ АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” 01.01.2017 йил учун даромадлари таркиби тузилиши¹² (млрд.сўм)

Даромадлар	176,5	Улуш, % да
бошқа банкларда ҳисоб-рақамлар	3,21	2,1%
кредитоперацилари	80,93	51,8%
хорижий валюта билан операциялар	18,20	11,6%
ҳисоб-китоб-касса хизматларини кўрсатиш	44,05	28,2%
қимматли қоғозлар билан операциялардан даромадлар	0,83	0,5%
бошқа даромадлар	9,02	5,8%

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг даромадлари таркибини таҳлил қиладиган бўлсак даромадлари ичида энг кўп даромад келтирувчи операциялар булар кредит операциялари, хорижий валюталар билан операциялар ва ҳисоб-касса операциялари ҳисобланади. мос равишда улар 2017 йил 1 январ ҳолатида 80,93млрд.сўм, 18,20 млрд.сўм ва 44,05млрд.сўмни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан 24,56 млрд.сўм, 6,19 млрд.сўм ва 10,76 млрд.сўмга кўпайган. фақатгина қимматли қоғозлар билан операциялардан олинган даромадлар ўтган йилга нисбатан 4,7 млн сўмга камайган.

Банкда даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларни таҳлил қилиш, уларнинг функциялари иқтисодий шароитга боғлиқ ҳолда уларнинг таркибини ўзгартириб туриш кераклиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Иқтисодий беқарорлик шароитида фаолиятсиз активларнинг кўпгина қисми фаолият қилаётган активларнинг элементларига айланади, кўпинча бу валюта ва ҳаракатсиз активларга тегишлидир. Агар тижорат банклари ўзларининг баланслари таркибини ўзгартирмаса, бу банк фаолиятида муаммолар юзага келишига олиб келади.

¹² АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк“ йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Шу билан бир каторда, қуйидаги жадвалда АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” тижорат банкининг даромад келтирмайдиган активлари келтирилади.

2.4-жадвал

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг даромад келтирмайдиган активлари¹³

№	Даромад келтирмайдиган активлар	2016 й. 31 декабрь		2015 й. 31 декабрь	
		минг сўм	улуши %	минг сўм	улуши %
1	Нақд пуллар	368778932	3,6	99970044	1,1
2	Ўз.Р.М.банкдан олинини лозим бўлган маблағлар	546020868	5,3	426432736	4,8
3	Эҳтимолий зарарлар бўйича захира	285638016	2,8	191076767	2,2
4	Асосий воситалар (соф. қиймати)	111017439	1,1	88534480	1
5	Номоддий активлар (соф қиймат)	1597877	0	2588653	0
6	Бошқа хусусий мулклар	0	0	0	0
7	Солиқ талаблари	28943479	0,3	22080055	0,3
8	Жамидаромад келтирмайдиган активлар	1341996611	13,0	830682735	9,4
9	Жами активлар	10309007819	100	8823139561	100

Жадвал маълумотлари таҳлил этилганда, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг 2016 йил 31 декабрь ҳолатига даромад келтирмайдиган активлари жами активлардаги улуши 13,0 фоизни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2015 йил 31 декабрь ҳолатига 9,4 фоизни ташкил этган. Бу жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, банкнинг нақд пуллари 2016 йил 31 декабрь ҳолатига 3,6 фоизни жами активларига нисбатан ташкил этиб, мос равишда 2,5 фоизга кўпайган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан олинини лозим бўлган маблағлар улуши 2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра 5,3 фоизни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Номоддий активларнинг соф қиймати 2015 йилга нисбатан 990776 минг сўмга камайган бўлишига қарамасдан жами активлар салмоғига сезиларли тасир кўрсатмаган.

Қуйидаги 3.5-жадвалда “Ўзсаноатқурилишбанк” нинг мажбуриятлари таркибини кўришимиз мумкин.

¹³ АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” нинг мажбуриятлари таркиби¹⁴

(млрд. сўм)

Моддалар	01.01.2016	01.01.2017	Фарқи
			Сумма (+;-)
Талаб қилиб олингунча бўлган депозитлар	248,5	259,0	10,5
Жамғарма депозитлар	43,9	19,4	-24,5
Муддатли депозитлар	110,9	159,0	48,1
Бошқа банкларга тўлаш учун	58,3	109,7	51,4
Бошқа банклар ссудалари	117,5	118,1	0,6
Марказий Банкнинг ссудалари	30,8	24,0	-6,8
Бошқа мижозларнинг ссудалари	48,1	123,9	75,8
Бошқа депозитлар	126,5	200,3	73,8
Бошқа мажбуриятлар	188,0	278,8	90,8
Жами:	972,5	1292,2	319,7

Банкнинг мажбуриятларини таҳлил қилар эканмиз, 01.01.2016 йил ҳолатига жами активлар 972,5 млрд. сўмни ташкил этган. 01.01.2017 йил ҳолатига жами активлар 1292,2 млрд. сўмни ташкил этган. Ўтган йилга нисбатан жорий йилда мажбуриятлар 319,72 млрд. сўмга ошган. Жадвал маълумотларини таҳлил қилар эканмиз банк мажбуриятлари таркибида асосий ўринни талаб қилиб олингунча депозитлар ташкил қилган. Муддатли депозитларда ҳам ўсиш кузатилган. Марказий банкнинг ссудалари жорий йилда 6,8 млрд. сўмга камайган. Демак банк ўз ресурсларидан самарали фойдаланмоқда.

¹⁴ АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Одатда, банк даромадларининг 2/3 қисми фоизли харажатларга, берилган ссудалар бўйича йўқотишларни қоплашга, солиқларни тўлашга, кутилаётган фойдага ва сармоянинг ўсишига сарфланади.

2.6-жадвал

АТБ“Ўзсаноатқурилишбанк” нинг депозитлари таркиби¹⁵(млрд. сўмда)

№	Депозитлар	01.01.2016		01.01.2017		Фарқи (+;-)	
		Сумма	%	Сумма	% да	Сумма	% да
1	Талаб қилиб олингунча депозитлар	248,5	61,7	259,0	59,3	10,5	-2,4
2	Муддатли депозитлар	43,9	10,8	19,4	4,4	-24,5	-6,4
3	Жамғарма депозитлари	110,9	27,5	159,0	36,3	48,1	8,8
4	Жами	403,3	100	437,4	100	34,1	-

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2016-2017 йил 1 январь ҳолатига банкнинг депозитлари таркибида асосий ўринни талаб қилиб олингунча депозитлар эгаллаб турибди. 01.01.2016 ҳолатига ушбу депозитларнинг салмоғи 61,7 % ни, 01.01.2017 йил ҳолатига эса 59,3 % ни ташкил этган. Ўтган йилга нисбатан банкнинг талаб қилиб олингунча депозитлари 2,4% га камайган бўлса ҳам, лекин бу кўрсаткич юқориликча қолмоқда. Бу ҳолат банк учун унчалик ҳам ижобий ҳол эмас. Чунки ушбу депозит тури салмоғининг ошиши банк ресурс базасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тижорат банкининг ликвидлиги тушунчаси - бу банкнинг барча миқдорлари олдидаги қарз ва молиявий мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлай олишидир. Банк ликвидлиги банк ўз капиталининг етарлилиги, унинг оптимал жойлаштирилганлиги ва баланснинг актив ва пассив қисмларидаги маблағларнинг вақт оралиғида мувофиқлиги билан аниқланади.

Тижорат банкларининг молиявий ҳолатига баҳо беришда уларнинг фойдалилиги, ликвидлиги ва тўловга қобилиятлилигига эътибор қаратилади.

¹⁵ АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк“ йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Айнан шу омиллар банкнинг аҳволи қай даражада эканлигини белгилайди. Банкларнинг ликвидлиги ва тўловга қобилиятлилиги нафақат битта банк ёки банк тизимининг мувозанатлилигини, балки бутун бир иқтисодиётнинг мувозанатини таъминлайди.

2.7-жадвал


Банк фаолиятининг самарадорлигини аниқлаштирувчи молиявий коэффициентлар¹⁶ (К с)

Коэффициентлар	Кўрсаткичларни ҳисоб-китоб формуласи	Ўрнатилган оптимал меъзон	01.01.2016	01.01.2017
К с1	Соф фойда / даромад (ёки харажат)	Min 0,20	0,43	0,53
К с2	Банк харажатлари / банк даромадлари	Min 0,80	0,77	0,8
К с3	Фоизли харажатлар / фоизли даромадлар	Min 0,60	0,64	0,64
К с4	Соф фойда / активлар <u>ROA</u>	Min 0,005 Max 0,010	0,09	0,06
К с5	Соф фойда / капитал <u>ROE</u>	Min 0,10	0,69	0,5

Юқоридаги жадвалда биз АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” нинг самарадорлигини аниқловчи молиявий кўрсаткичлари куришимиз мумкин. 2016 йил 1-январда соф фойда даромадлар таркибида 43 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 0.1 га ошган, банк харажатлари даромадлари таркибида 80 фоизни ташкил қилган, бу ўтган йилга нисбатин 3 фоизга кўп демакдир. банкнинг фоизли даромадлари фоизли харажатларидан 36 фоизга кўпдир. Хулоса қиладиган бўлсак, банкнинг самарадорлик кўрсаткичлари ўтган йилга нисбатан анча ўсган.

¹⁶ Муаллиф томонидан мустақил тайёрланди

Ўз навбатида, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг 2014-2016 йилларда ажратилган инвестиция кредитлари бўйича қуйидаги 2.6-расмда келтирилади.



2.6-расм. АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг 2014-2016 йилларда ажратилган инвестицион кредитлари¹⁷ (млрд. сўм) (йил бошига нисбатан)

2.6-расм кўрсаткичларига кўра, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” ажратган инвестиция кредитлари 2013 йилда 1060 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 1378,9 млрд. сўмга етган, яъни 318.9 млрд. сўмга ошган.

Ўз навбатида, банкда кредит ишини ташкил қилиш ва кредит беришдаги ҳужжаларни расмийлаштиришини текшириш кредит ишини банкнинг кредит рискларини пасайтиришга қай даражада қодирлигини таҳлил қилиш ва баҳолашдан бошланади. Кредит ишини ташкил этилганлик даражасини баҳолаш кредитлаш жараёни билан шуғулланувчи бўлимлар функцияларини ўрганишга асосланади. Бу бўлимларда мажбуриятларни тўғри тақсимланган-лиги текширилади, кредит операцияларини амалга оширилиши юзасидан ички банк назорати ҳолати баҳоланади.

Банкнинг кредит сиёсатини изоҳлашда бошқарув органлари томонидан кредитни фойдалилигини таъминлаш учун энг асосийлардан бири бу белгиланган стандартларга риоя қилинишидан иборат бўлади. Бундай изоҳлаш кредит

¹⁷АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк“ йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

инспекторлари ва банк раҳбариятига тавсия этилади. Кредит сиёсатини тўғри ташкил қилиш банкнинг кредит портфелини тартибли ташкил қилинганлигини акс эттиради.

Банкнинг кредит сиёсати ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Кредит портфелини ташкил этишдан мақсад, яъни яхши кредит портфели хусусиятларини кўрсатиш; кредит турлари; қайтариш муддати; ҳажми ва сифати шулардан иборат бўлади.

2. Кредит бериш соҳасида ваколатларни изоҳлашда белгиланган кредит инспекторлари ва кредит қўмитаси ўртасида таксимлаб бериш (максимал пул маблағи ва кредит турини, белгиланган ходим ва керакли имзо орқали тасдиқланишидир).

3. Кредит бошқармаси томонидан ҳуқуқларни бериш мажбурияти ва маълумотларни етказиш чегаралари.

4. Илтимоснома (практика) амалиёти, текширувлар, баҳо беришлар ва миждоз кредит талабномаси устидан қарор қабул қилиниши.

5. Хар бир кредит талабномасига керакли ҳужжатларни илова қилиш ва шу каби ҳужжатлар, яъни кредит папкасида сақланмоғи шарт.

6. Банк ходимлари ҳуқуқлари тўлалигича кўрсатилмоғи ва кредит ҳужжатларни текширилиши ва сақланишини жавобгарлиги.

7. Асосий усул қоидалари, баҳолари ва кредит таъминотини амалга ошириш ва бошқалар.

Кредит беришдаги ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини назорати текшириляётганда миждоз қарздорларнинг кредит ишлари танланма асосида ўрганилади. Кредитийғма жилдида қуйидагилар бўлишикерак : кредит аризаси, йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси охирги ҳисобот санасидаги иловалар билан бирга (солик инспекцияси белгиси билан бирга), йиллик ҳисобот тасдиқланганлиги тўғрисидаги аудитор хулосаси, харажатлар ва даромадлар режалаштирилган бизнес-режа, лойиҳанининг техник-иқтисодий асоси, кредит шартномаси, кредитнинг таъминоти (гаров шартномаси, таъминот, кафиллик ва бошқалар) қарздорнинг кредит тарихи.

Бундан ташқари, қарз олувчининг кредит аризаси билан бирга: таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидага гувоҳномаси, имзолар ва муҳр намунали ҳужжат (нотариал тасдиқланган), дебитор ва кредиторлар қарздорликлар рўйхати ва амалга оширилиш муддатлари билан бирга, кредит олиш ва ссуда ҳисобварағини очиш тўғрисидаги солиқ инспекциясининг визали хати ва бошқа ҳужжатлар (банк талабига мувофиқ).

Кредит шартномалар мажбуриятларини бажаришни таъминловчи ҳужжатларни расмийлаштирилиши тўғрилиги текширилаётган кредит операциялари аудитининг асосий босқичларидан бири ҳисобланади. У берилган кредитларни қайтарилишини таъминловчи ҳужжатларни ўрганишдан бошла-нади: гаров, кафолат, кафиллик шартномалари. Амалиётда, одатда, гаров тўғрисида шартнома тузилаётганда хатоларга йўл қўйилади. Гаров муносабатлари Ўзбекистон Республикаси «Гаров тўғрисида»ги Қонунни (264-289-моддалар) орқали бошқарилади. Меъёрий ҳужжатларга кўра, гаров тўғрисидаги шартнома қонунда белгиланган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилади.

Шу билан бир қаторда, кредит портфели таҳлиliga асосланган ҳолда аудит муайян берилган кредитга банкнинг таваккалчилигини аниқлайди.

Ушбу босқич алоҳида эътибор беришни талаб этади. Чунки, аудиторлар таваккалчилик даражасига қараб аниқ кредитга нисбатан ҳисобланган захирани кўпайтириш ёки камайтиришга ҳаўлидир, бу эса банк активининг сифатида ўз ифодасини топади.

Кредит портфелининг ҳолатини таҳлил қилишда аудитор кредит бериш билан боғлиқ бир нечта кўрсаткичларни, яъни берилган кредитнинг ўзига хос хусусияти, унинг таъминланиши, фоизларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида даромад ҳисобварақларига олиниши, қайтарилиш муддатлари ва ҳоказоларни ўрганиши лозим бўлади.

Кредит портфели бўйича қуйидагилар аудитдан ўтказилади:

➤ кредит олиш учун берилган буюртмаларнинг махсус китобда рўйхатдан ўтказилиш тартиби;

- ажратилган кредитлар бўйича ҳужжатларни тўлиқлиги, кредит қайтарилган ҳолатда ҳужжатларнинг белгиланган тартибда архивга топширилиши;
- кредитларнинг ҳар бир турига очилган аналитик ҳисобларнинг юритилиш тартиби;
- кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳисобланиши, уларнинг тегишли ҳисобварақларга ўз вақтида ўтказилиши;
- муддати ўтказиб юборилган кредитлар ҳисобини ўз вақтида бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш тартиби;
- берилган кредитлар учун талаб қилиб олинган муддатли мажбуриятномаларнинг тўлиқлиги ва уларнинг ҳисоби;
- кредит портфели текширилганда сўнг, йўл қўйилган хатоликларни кўрсатиб бериш ҳамда уларни бартараф этиш ва кредит портфели сифатини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этилади.

Олинган кредитлар таъминоти тўғри акс эттирилганлигини текширишда балансдан ташқари ҳисобварақлар бўйича аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотларидан фодаланилади: 94501 «Гаров сифатида олинган қимматли қоғозлар», 94502 «Гаров сифатида олинган мулклар ва мулквий ҳуқуқ (талаб)лар», 94503 «Гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар», 94504 «Олинган кредитлар бўйича гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар».

Бухгалтерия ҳисобида кредитдан фойдаланганлиги учун фоиз ҳисоблаш ва тўлашни акс эттирилишини текшираётганда Марказий банкнинг 424-сонли «Кредит ва депозитлар бўйича фоиз ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага асосан (08.11.1998 й.) олиб борилади. Жалб қилинган пул маблағлари бўйича қарздорлик қолдиғига, шахсий ҳисобварағига мувофиқ ҳисобланади.

Банкларда қуйидаги ҳолларда кредитлар бўйича фоиз ҳисоблаш тўхтатилади:

- а) асосий сумма ва фоиз тўловларини қайтариш муддати 60 ва ундан ортиқ кунга ўтганда (1 йилгача муддатга берилган кредитлар учун), яхши таъминланган кредитлардан мустасно;

б) асосий қарз суммаси ва фоиз тўловларини қайтариш муддати 90 ва ундан ортиқ кунга ўтганда (1 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлар учун), яхши таъминланган кредитлардан мустасно;

в) асосий қарз суммаси ва фоизлар қайтиши банкка шубҳали туюлса, муддати ўтгани мустасно.

Муддати ўтган фоизларни қайтариш бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилишини текширишда тўланган фоизлар банкнинг жорий харажатларига, яъни «Тўланган муддати ўтган фоизлар» бўлимида ўтказилганлиги аниқланиши керак.

Кредит шартномасида кўрсатилган асосий қарз суммаси ва фоизларни муддатида тўланмаса штраф, жарима ва санкциялар қўлланилади.

Асосий қарз олинган кредит бўйича бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши ва уни таъминоти танлаб текширилади. Шунга эътиборни қаратиш керакки, гаров сифатида қўйилган мулк ёки қимматли қоғозлар банк балансидан ўчирилмайди, аксинча баланс қийматида ҳисобга олиб бориш давом этади.

Банкларни кредит фаолиятини текшириш амалда шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда банкнинг ички инструктор материаллари ва низомлари ишлаб чиқилмаган. Буларга кредит бўлимининг низоми ва мансабдор шахсларни меъёрий ҳужжатлари, бурчларини тақсимоти ва кредит бериш тўғрисида кўрсатма, кредит қўмитасини қарори қабилад текширилишидир. Буларни борлиги банкларда кредит иши юритувчисини рационал ташкил қилишга ёрдам беради ва ходимларни ўз вазифаларига бўлган масъулиятини оширади. Кредит бериш учун шартномага ҳулоса ясашга ва ишлаб чиқиш жараёнида банклар томонидан ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий характердаги хатоларга йўл қўйилмоқда. Кўп ҳолларда банкдан қабул қилинаётган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги ёки тўла расмийлаштирилмагани аниқланмоқда.

Асосан қарздорни ҳисобот даврига бўлган баланси, техник иқтисодий ҳулосалари, кредитни қайтиши учун қўшимча кафолатлар ва бошқа нарсалар етишмаслиги ҳолати учрамоқда. Юқори миқдордаги кредитларни беришда кредит ва ҳуқуқий бўлимлар томонидан ҳамма вақт ҳам ҳуқуқий ва иқтисодий асосдаги кредит мақсадлилиги тўғрисида ёзма ҳулосалар қилинмаяпти. Кредит олиш учун

берилаётган ҳужжатлар баланс, техник иқтисодий асослар, савдо сотиқ бўйича шартномалар ҳар доим ҳам қарз олувчини ноаниқ муҳри ёки мансабдор шахсни имзосини йўўлигини аниқланган ҳоллар учраб турибди. Кредит шартномаларига баъзан банк ходимлари томонидан имзо қўйилмаганлиги, баъзи бир ҳолларда муҳр босилмаганлик ҳоллари аниқланмоқда. Кўп ҳолларда кредит шартномаларининг баъзи бирлари муддатли тўлов мажбурияти билан расмийлаштирилмайди. Қўшимча кафолатларга етарлича диққат билан қаралмайди.

Шунингдек айрим ҳолларда, бошқа банк ёки корхонанинг кафолати асосида кредит беришда кафолат мажбуриятлари кафолат берувчини баланси чуқур таҳлил қилинмаётганлиги кўзга ташланмоқда. Бошқа банк корхоналарнинг кафолатлари асосида кредит беришда хатоларга йўл қўйилмоқда. Кўпинча кредитлар банкнинг пайчиларига берилган.

Булар асосан бир-бирига келишилган ҳолда кафолатлаб бериб, баъзи бир ҳолларда банкка ҳеч қандай ҳужжатлар бермайди. Натижада шу йўл билан берилган кредитлар бир неча марта пролангация, яъни муддати узайтирилади. Қарздорнинг гаров мажбуриятларини расмийлаштиришда керакли даражада диққат қаратилмаган. Шу нарсалар аниқланганки, ўзининг хусусий бўлмаганмулкни дала ховлини гаровга қўйган ва шунга қарамасдан унга кредит ажратилган.

Ҳозирги кунда суғурта компаниялари ўз мажбуриятлари устидан чиқа олмаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди, бу эса банкларни банкротлик даражасига олиб бориши мумкин. Шунингдекбу, банкнинг кредитларни қайтмаслик хатарини юқори даражадалигини кўрсатади. Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида кўпгина асослар ярилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароити билан Ўзбекистонда бошқа чет мамлакатлар сингари янги хизмат тури, яъни аудит хизмати ўз ўрнини топмоқда.

Аудит хизмати, ҳозирги кунда юксалаш поғонасида турибди. Унда банк фаолиятини юргизишни тўғри ташкил қилиш ва иш даврида учрайдиган камчиликларни бартараф этишда аудит хизматини роли каттадир.

Бундан ташқари, аудитор кредитни ўз вақтида ўрнатилган жадвал бўйича қайтариш имконияти, кредит мақсадли ишлатилиши устидан назорат олиб

борилишини текшириб кўради. Ўз навбатида, тижорат банклари ички аудитининг асосий функцияларидан бири бу кредитлаш жараёни ва кредит портфели сифати ҳамда берилган кредитлар даврий маълумотнома тайёрлашдир.

Бозор иқтисодиёти ўтишда бир қанча хусусий ва ҳиссадорлик тижорат муассасалари ва молия институтлари (буларга тижорат банклари ҳам киради) ташкил топди. Уларни молиявий барқарорлиги иш фаолиятини тўғри олиб боришга ва аудит хизматини хулосаларига боғлиқ бўлади.

2.3. Банк аудитида аудиторлик ҳисоботлари ва хулосаларини тақдим қилиш

Тижорат банклари йиллик ҳисоботлари аудиторлик хулосасисиз Марказий банк томонидан қабул қилинмайди ва матбуотда чоп қилишга рухсат берилмайди¹⁸.

Маълумки аудиторлик ҳисоботи – тижорат банки раҳбари, мулкдори, иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишига тақдим этиладиган, аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида батафсил маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш натижасида олинган ва аудиторлик хулосасини тузиш учун асос ҳисобланадиган бошқа ахборотдан иборат бўлган ҳужжатдир. Аудиторлик хулосаси эса - молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги (тўғрилиги) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Аудиторлик ҳисоботида қуйидагилар бўлади:

а) номи;

¹⁸Ўзбекистон Республикасида банклар аудиторлик текшируви тўғрисида Низом (Янги таҳрирда)(Адлия Вазирлигида 04.11.2000 й. N 982 рақам билан рўйхатга олинган, Марказий банк томонидан 20.06.2000 й. N 403 сонли қарор билан тасдиқланган)

- б) адресатнинг номи;
- в) кириш қисми;
- г) таҳлилий қисм;
- д) якуний қисм.

Аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир саҳифасига молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини амалга оширган аудитор (аудиторлар) имзо чекиши шарт.

Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисмида аудиторлик ташкилоти реквизитлари, шу жумладан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга лицензиянинг рақами ва санаси, аудиторлар ва аудиторлик текширувида қатнашган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи келтирилади.

Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисмида қуйидагилар бўлиши шарт:

- банк ички назорат ҳолатини текшириш натижалари (батафсил баёни);
- бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва молиявий ҳисоботни текшириш натижалари;
- молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунчилик талабларига риоя этилишини текшириш натижалари;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари;
- активларнинг бутлигини текшириш натижалари.

Тижорат банки ички назоратининг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ички назорат тизимининг банк фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига мувофиқлиги умумий баҳоси;

➤ аудиторлик текшируви мобайнида аниқланган ички назорат тизимининг банк фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига жиддий номувофикликлари баёни.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

➤ бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

➤ аудиторлик текшируви давомида аниқланган бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартибини жиддий бузишлар баёни.

Банк томонидан молиявий-хўжалик операцияларини амалга ошириш пайтида қонунларга риоя этишини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

➤ тижорат банки амалга оширган молиявий-хўжалик операцияларининг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;

➤ аудиторлик текшируви давомида аниқланган, банк амалга оширган молиявий-хўжалик операцияларнинг қонунчиликка жиддий номувофикликлари баёни.

➤ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

➤ тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрилигининг баҳоси;

➤ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартибини бузиш фактлари, солиқ солинадиган базани белгилаш пайтидаги четга чиқишлар баёни.

➤ активлар бутлигини текшириш натижалари активларни инвентарлашга асосланиши ва ўз ичига уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва бутлиги тўғрисидаги маълумотларни олиши керак.

Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисми аудиторлик ташкилотининг аниқланган четга чиқишлар ва ҳуқуқ бузилишларини бартараф этишга доир тавсияларини, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга доир таклифлари ва маслаҳатларини ўзи ичига олиши керак.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик ҳисоботини тузганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Аудиторлик ҳисоботида келтирилган ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор этилмаслиги керак. Аммо қонунчилик ҳужжатларига асосан тижорат банклари ва аудиторлик ташкилотлари ўртасидаги шартномаларда аудиторлик ҳисоботини Марказий банкга тақдим қилишни чекловчи моддалар бўлмаслиги лозим¹⁹. Ахборотни ошкор этганлик учун ушбу ахборотдан фойдалана оладиган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Қайд этувчи қисмда аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот қонун ҳужжатларига, шунингдек, молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашга асосланиши кўрсатилиши керак. Шунингдек аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар бериши хусусида аудиторлик ташкилотининг тасдиғи берилиши керак.

Аудиторлик хулосасининг якуний қисмида аудиторлик ташкилотининг текширилган молиявий-ҳисобот хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолати тўғрисида ҳаққоний тасаввур бериш-бермаслиги ва молиявий ҳисобот қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги хусусидаги фикри равшан баён этилиши керак.

¹⁹Ўзбекистон Республикасида банклар аудиторлик текшируви тўғрисида Низом (янги таҳрирда)(Адлия Вазирлигида 04.11.2000 й. N 982 рақам билан рўйхатга олинган, Марказий банк томонидан 20.06.2000 й. N 403 сонли қарор билан тасдиқланган)

II боб бўйича хулоса

Ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш, энг аввало, унинг концептуал асосини яратиш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, ички назорат изими ва услубини шакиллантиришни тақозо қилади. Табиийки, ушбу сифат кўрсаткичларсиз банк тизимида жорий қилинган ички аудит фаолиятини баҳолаш мумкин эмас.

Ўзбекистонда тижорат банклари ички аудит тизими фаолияти «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга, аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи қарор, низом ва аудиторлик стандартлари каби меъёрий ҳужжатларга асосланган бўлиб, улар асосан ташқи аудиторлик фирмалари учун мўлжаллангандир. Бундай ҳолат ички аудитнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Ички аудитнинг асосий вазифаси, банк бошқаруви томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлик даражасини ҳамда рискларни даромадлилик даражаси билан ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш, банк самарадорлигини ошириш мақсадида дастурий маҳсулотлар сифатини ҳуқуқий жиҳатдан текшириш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифларни банк бошқарувида тақдим этишдан иборат.

Ўзбекистонда тижорат банклари ички аудит тизими фаолияти «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга, аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи қарор, низом ва аудиторлик стандартлари каби меъёрий ҳужжатларга асосланган бўлиб, улар асосан ташқи аудиторлик фирмалари учун мўлжаллангандир. Бундай ҳолат ички аудитнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

III БОБ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида аудиторлик текширувлари ўтказишни такомиллаштириш йўллари

Республикамиз банк тизимида чет эл инвесторлари ва кредиторлари ҳамда омонатчиларнинг ишончини янада мустаҳкамлашди, хусусан, уларнинг мамалкатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, кредитга лаёқатлилиги ҳамда ликвидлилиги тўғрисида ҳолисона ва аниқ маълумотларларга эга бўлишларини таъминлашда тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудит текширувларининг роли муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда, тижорат банклари томонидан молиявий ҳисоботларни Ҳалқаро андозаларга ўтказиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда ва бу ишларни янада ривожлантириш зарур. Чунки бу ишларни тезроқ амалиётга жорий этишни тугаллаш банкларда ташқи аудит ўтказишга қўйиладиган талабларни янада кучайтиришга ва бу аудиторлик текширувларини нуфузли ҳалқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилишига имконият яратади.

Республикада банкларнинг фаолияти устидан ички ва ташқи аудит текширувларини янада такомиллаштириш, унинг ҳалқаро стандартларнинг ўзгаришига мос равишда такомиллаштириб боришни таъминлаш мақсадида, мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилган “2011-2015 йилларда республика банк – молия тизимини янада ислоҳ қилиш ва унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишининг устивор йўналишлари тўғрисида” ги ПҚ-1438 сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор банк - молия тизими ва аудиторлик хизмати ҳодимлари олдига республикада банк назоратини тизимида Базель қўмитасининг янги тавсияларини тадбиқ этиш, тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, бунда банклар капитали,

активлари, бошқаруви, даромадлари, мажбуриятларининг сифати ва даражасини холис баҳолашини таъминловчи CAMEL(S) тизимининг янги талқинини татбиқ этиш, тижорат банклари фаолиятларини ва бутун республика банк-молия тизимини баҳолаш учун халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган меъёр, андозаларни ҳамда баҳолаш кўрсаткичларини жорий этиш, банкларда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, банклар миждозларининг кредитга лаёқатлилигини scoring – таҳлил қилишнинг замонавий услубиётини дунёнинг энг барқарор банклари тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва жорий этиш каби қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Жумладан ушбу қарор билан банк назорати тизимига янги стандартларни жорий қилиш бўйича қуйидаги қатор вазифаларни бажариш белгиланганлигини инобатга олиб тижорат банкларининг ички ва ташқи аудит текширувларининг такомиллаштириш масалаларга қаратилган қуйидагиларни асосий йўналишлари сифатида қабул қиламиз:

-Биринчи навбатда банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини босқичма-босқич жорий этиш, банклар капиталининг етарлилигига доир талабларни ошириш, банк капитали таркибида уларнинг инқирозли ҳолатлар таъсирига қаршилик кўрсата олишини таъминловчи барқарорлаштириш захираларини ташкил этиш;

- Банк тизими фаолиятини баҳолаш учун “Fitch reyting”, “Moody’s”, “Standart and Poors” каби етказчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан амалда қўлланилаётган меъёр, андозаларни ва баҳолаш кўрсаткичларини ички ва ташқи аудит текширувларида фойдаланиш ва жорий этиш шунингдек бу кўрсаткичларни мунтазам янгилаб бориш;

- Банк назорати тизимига, капиталнинг етарлилигига талабларни такомиллаштиришни, эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни кутилаётган йўқотишлар модели асосида шакллантириш бўйича янги тавсияларни жорий қилиш, банклар капитали, активлари, бошқаруви, даромадлари, мажбуриятларининг сифати ва даражасини холис

баҳоланишини таъминловчи CAMEL(S) тизимининг янги талқинини татбиқ қилиш;

- банк таваккалчилигини бошқаришда чуқур омилли таҳлилни амалга оширишнинг аниқ механизмини жорий қилиш, захираларни шакллантириш, кредит портфелини диверсификациялашни кўзда тутган ҳолда банклар активлари сифатида мониторингни такомиллаштириш, шунингдек, муаммоли қарздорлик пайдо бўлишига йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирувчи чоралар қабул қилиш;

-банк операцияларини амалга оширишда операцион ва бозор таваккалчиликларини аниқлаш бўйича меъёрий ҳамда услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, жаҳоннинг энг барқарор банклари тажрибасини инобатга олган ҳолда банклар миқдорларининг кредитга лаёқатлилигини scoring – таҳлил қилишнинг замонавий усулини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш каби вазифалардир.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида охириги беш йиллик даври мобайнида банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, банк ҳисоботини ҳалқаро андозаларга ва тамойилларга мувофиқлаштириш, уларнинг меъёрий базасини янада такомиллаштириш борасида бир қатор чора – тадбирлар амалга оширилди.

Тижорат банкларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш мақсадида, банклар кенгашлари таркибига миноритар акциядорлар манфаатларини ифода этувчи аъзоларни киритиш ҳамда йирик суммадаги (умумий капиталнинг 15 фоизи ва ундан юқори миқдордаги) битимларни тузиш ва улар бўйича тўлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорларни банк кенгаши томонидан маъқулланиши механизмларини жорий қилинди.

Ундан ташқари, тижорат банклари томонидан қарз олувчиларнинг молиявий ҳолатини аниқлаш учун scoring-таҳлил қилиш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди ва ушбу таҳлилни амалга ошириш йўлга қўйилди.

“Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришга нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом ва “Тижорат банкларининг молиявий ҳолати ва барқарорлигини баҳолаш ҳамда уларнинг натижаларини кўриб чиқиш тартиби” қабул қилинди. Ҳар бир банкда бевосита банк кенгашига бўйсунувчи таваккалчиликларни назорат қилиш кўмиталари ташкил этилди.

Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг янги тавсияларини жорий қилиш учун халқаро молия институтларидан техник ёрдам ва экспертларни жалб қилиш бўйича чора – тадбирлар” мажмуасига мувофиқ республика банкларида бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни халқаро талабларга мувофиқлаштиришнинг 3-босқичини амалга ошириш борасида Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди ва давом этмоқда.

Шу билан бирга, Жаҳон банки томонидан кўрсатилаётган техник ёрдам доирасида банк назорати бўйича Базель кўмитасининг Базель II ва Базель III тавсияларини мамлакатимиз банк тизимига жорий қилиш лойиҳалари бўйича халқаро ҳамкорлик янада кучайтирилиб, 2012 йилнинг июль ойида тегишли лойиҳа амалга оширилиши бошланди.

Халқаро валюта фондининг етакчи таҳлилчилари иштирокида Марказий банк ва тижорат банклари ходимлари учун “Банкларнинг молиявий барқарорлигини аниқлаш учун stress – тест ўтказиш” ҳамда Германиянинг Doysche Bundesbank томонидан “Банк назоратини такомиллаштириш” масалалари бўйича назарий билимларни ошириш тадбирлари амалга оширилиб борилди.

Бу амалга оширилган тадбири - чоралар банк назоратининг янги талабларини жорий қилиш бўйича ишлаб чиқиладиган ва келажакда ишлаб чиқариладиган дастурларни такомиллаштириш, банклар раҳбарлари ва мутахассисларининг бу борадаги билимларини кенгайтиришга ҳизмат қилади.

Банк тизимидаги ислохотлар, шу жумладан аудиторлик текширувларининг такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йилдаги ПҚ 1438 - сонли Қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда Республика молия–банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устивор йўналишлари бўйича комплекси чора – тадбирлар дастури” ҳамда Республика молия-банк тизимининг ривожлантиришга оид бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди. Жумладан:

- банк назорат тизимини янада такомиллаштириш, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларининг татбиқ этиш билан боғлиқ тадбирларни давом эттириш;

- мамлакат банк тизимини ва тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган меъёр, андоза ва кўрсаткичлар асосида кенгайтириш;

- тижорат банкларининг ресурс базасини уларнинг капиталлашуви даражаси ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пулмаблағларини депозитларга жалб қилиш орқали янада ошириш;

- тижорат банклари активларини, шу жумладан, уларнинг инвестицион фаоллигини ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни кредитлаш ҳажмларини ошириш;

- тижорат банклари балансига олинган иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш, улар базасида ташкил этилган янги корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш ишларини янада фаоллаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб – қувватлаш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари, бошланғич капитални шакллантириш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш;

- ҳалқаро андозалар ва тамойиллар ҳамда мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожлантиришининг ҳозирги реал ҳолатидан келиб чиққан

холда молия–банк соҳасининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилиш каби йўналишлари белгиланган.

Юқорида белгиланган йўналишлардан келиб чиқиб, тижорат банкларида ички ва ташқи аудит текширувларини амалга оширишнинг такомиллаштиришни назарда тутган холда, Банк тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Ушбу вазифалар доирасида банк тизими назоратини Базель кўмитасининг янги стандартларини жорий қилиш бўйича берган тавсиялари асосида банк аудитини такомиллаштириш ва банк тизимини юқори ҳалқаро рейтинг баҳоларига эга бўлишни таъминлаш мақсадида, ислохотларни куйидаги асосий йўналишларини амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- регулятив капитал таркибини қайта кўриб чиқиш ва капитал компонентларининг етарлилиги бўйича белгиланган талабларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор бериш зарур;

- рискларнинг бир қарздорда (ёки ўзаро боғлиқ қарздорлар гуруҳи), кредитлаш объектида, фаолият ва тармоқда тўпланишини назорат қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш керак;

- жаҳоннинг энг барқарор банклари тажрибасини инобатга олган холда, ҳар бир тижорат банкининг иқтисодий ҳолатини инобатга олган холда ишлаб чиқилган замонавий услубиётлар асосида банк мижозларининг кредитга лаёқатлилигини тезкор таҳлил қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш лозим. Бу борада ахборат технологияларини ва комплекс дастурларини яратиш ва амалиётга жорий қилиш лозим;

- банкларда корпоратив бошқарув, рисклар ва капитални бошқариш тизимларига белгиланган талабларга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш зарур;

- банк фаолиятида камчиликларга йўл қўйилгани учун нафақат унинг бошқаруви рахбариятига балки, унинг кенгаши аъзоларига таъсир чораларини белгиловчи ваколатларни берувчи қонуний ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак.

- банк тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар доирасида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш керак.

Ҳозирги кунда банк тизимини ислох қилишда Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947 - сонли фармони “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”да банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқларни бартараф этиш асосий вазифа қилиб белгиланди.

2018-2019 йилларга мўлжалланган банк фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги чора – тадбирларни ишлаб чиқиш устувор ҳисобланади:

➤ банк назорати бўйича Базель қўмитасининг талабларига асосан, тижорат банкларининг маблағлари етарлилиги ва ликвидлилиги даражаси кўрсаткичини қўллаб-қувватлаш;

➤ бошқарув ва банк таваккалчилиги тизими, шу жумладан, илғор хорижий амалиётлари асосида тижорат банкларида менежмент таваккалчилиги самарадорлигини янада ошириш;

➤ тижорат банклари фаолиятига, шу жумладан, кредит сиёсатида давлат ҳокимияти органлари томонидан маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва йўл қўймаслик;

➤ тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш, кредит портфели миқдорини доимий ошириб бориш ва унинг сифатини яхшилаш,

инвестициявий лойиҳаларни молиялаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш кўламини янада ошириш;

➤ банкларга хос бўлмаган вазифаларни истисно этиш бўйича амалий чораларни кўришни назарда тутувчи дастур ишлаб чиқиш ва киритиш.

Тижорат банкларида ички ва ташқи аудит текширувларини амалга оширишда, унинг иқтисодий самарадорлигини ва сифатини оширишда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини Молиявий ҳисоботларнинг Халқаро Стандартларига (МХХС) тўлиқ мослаштириш борасида ҳам бирқатор тадбирлар амалга оширишлиши лозим деб ҳисоблаймиз, жумладан, молиявий ҳисоботларнинг халқаро Стандартлари талабларига мос келадиган банкларнинг автоматлаштирилган банк тизимларини модернизациялаш зарур. Шунингдек МХХС талабларига мос молиявий ҳисоботлар маълумотларини йиғишни амалга ошириш учун етарли билим ва малакага эга бўлган кадрларни тайёрлаш керак.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида ҳам аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларидан кенгроқ тезроқ амалиётда фойдаланишни таъминлаш учун барча иқтисодий субъектлар учун ягона халқаро стандартларга янада яқинлаштирилган ва республика иқтисодиёти хусусиятларини эътиборга олган холда халқаро аудит стандартларини республикамизда қўллаш бўйича ягона гуруҳ ташкил этилиши лозим. Бу вазифани амалга оширишда Республика банлари ассоциацияси ташаббусни ўз зиммасига олса мақсадга мувофиқ бўларэди

Банк тизимини ички назоратга масъул бўлган ходимлар учун маҳаллий ва ҳорижий экспертларни жалб қилган холда ўқув курслари ва семинарлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

3.2. Тижорат банкларида ички аудит ўтказишнинг молиявий манбаларини такомиллаштириш

Тижорат банкларида ташкил этилган ва фаолият юритиб турган ички аудит хизмати, унинг фаолиятининг самарадорлиги ҳеч бир банк ҳисоботида

ва аудиторлик ҳисоботларида берилмайди. Бунинг ҳисоблашнинг мақбул ягона усули ишлаб чиқилган эмас.

Ички аудит хизмати ходимлари сони ва уларнинг ойлик маошлари ҳам Республикамизнинг турли тижорат банкларида турлича қилиб белгиланиб кўйилган. Биз таҳлил объекти сифатида олган танлаб олинган банк тизимида ички аудит хизмати билан жами штат бўйича 21 та ходим ишлаши керак. Амалда эса 2017 йил 1 апрел ҳолати бўйича 18 киши фаолият кўрсатиб турибди²⁰. Уларнинг бир йиллик иш ҳақи сметаси кўшимчалари билан 370 млн. сўмни ташкил этади. Аудит хизмати ходимининг ўртача йиллик иш ҳақи даромади 18,4 млн сўмни, ойлик маоши эса - тахминан 1,5 млн. сўмни ташкил этмоқда²¹. Бироқ бу фаолият натижасида банкка келтирилаётган даромад аниқроғи зарарларни олдини олиш ва йўл кўйилган хато ва камчиликларни бартараф этилиши билан олинган кўшимча даромад, кўрилган даромадлар ҳисоби ҳеч бир банк томонидан аниқланмаган ва ҳисоботларда кўрсатилмайди. Шунинг учун ҳам бу борада ички аудит фаолиятининг самараси сифатида ички аудит ҳисоботларида банк кенгашига ва Марказий банкка берилаётган ҳисоботларда берилиши керак деб ҳисоблаймиз. Бу борада тегишли мутахасислар банк ходимлари ва олимлар илмий изланишлар асосида услубий йўлланма ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ҳисоблаймиз. Бу масала бизнинг илмий изланишларимиз мавзусига кирмаслиги ва бу масалани ҳал қилиш учун алоҳида илмий изланиш зарурлиги, магистрлик диссертациясининг илмий изланишлари ҳажми чекланганлиги сабабли муаммони ҳал қилиш зарурлигини таъкидлаш билан чекландик.

Банкнинг фаолиятидан содир бўлиши мумкин бўлган хато ва камчиликларни олдини олиш ва ўз вақтида бартараф этиш мақсадида оператив аудитни, кунлик якуни бўйича аудиторлик текшируви хизматини тўғри ташкил этиш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва ўз навбатида ўз

²⁰<http://www.uzpsb.uz/> АТБ Ўзсаноатқурилишбанкнинг маълумотлари.

²¹Банкдан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан мустақил тайёрланган.

иш натижаларидан моддий манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида ойлик маошларини юқорилигини таъминлаш зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, банк фаолиятининг натижаси шу банкда хизмат қилаётган барчаси ходимлар фаолиятининг натижаларидир. Инсон омилига унинг ўз вазифасига масъулият билан ёндашганлиги ва жавобгарлиги нуқтаи назаридан қаралсагина, фаолияти натижаларига баҳо берилсагина ички аудит текширувлари банкнинг иқтисодий барқарорлигини мустахкамлашга ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун ҳар бир аудитордан, банк раҳбаридан юксак маънавият, ахлоқ, билим ва тажриба, ҳалоллик, ўз ишига садоқат билан хизмат қилиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйилган талаблар тўғрисида” Низомига кўра банк кенгаши тижорат банкининг ички аудит хизматини йиллик ҳаражатлари сметасини тасдиқлаб бериши лозим. Низомнинг бу талабини бажарилишига Марказий банк томонидан қитъий назорат ўрнатиш зарур деб ҳисобалймиз. Бу билан тижорат банкларида ички аудит хизмати ходимларининг банк раҳбариятига қарамлигига барҳам берилиб, ҳолислиги ва мустақиллиги таъминланади.

Ўтказилган таҳлил ва шахсий кузатувлар банкда мавжуд ва фаолият кўрсатиб турган ички аудит хизмати ходимларини, танлаш ва лавозимга қўйишда, иқтисодий билимидан ташқари, банк кенгаши ходимлари суҳбатдан ўтиши билан бирга қаттиқ психологик тестдан ўтказилиши ва шундан сўнг ўз вазифасига тайинланишини йўлга қўйишни зарурлигини тақозо этмоқда.

Банкларда аудит хизматини самарадорлигини ошириш учун уларнинг техник ва технологик жихатдан қайта жиҳозлашни доимий равишда олиб бориш керак. Шунингдек аудит ўтказиш жараёнларини компьютерлаштирган ҳолда комплекс дастурларини ишлаб чиқишни ва мавжудларини эса модернизация қилиб боришни йўлга қўйиш зарур. Бу ҳам ички ҳам ташқи аудит ўтказиш учун кетадиган вақтни қисқартиришга олиб келади,

Ўтказиладиган аудит харажатларини қисқартириб, иқтисодий самарадорлигини оширади.

Банк – молия тизимининг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш шу билан бирга ички ва ташқи аудитни амалга оширишда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада такомиллаштириш, масъулиятини эса ошириш зарур.

Бизнинг фикримизча, банкларда аудиторлик текширувининг якуний босқичи бўлиб ҳисобланган молиявий таҳлил ўтказиш учун ягона услубий шакллар ишлаб чиқилишини тавсия этамиз. Тижорат банкларининг ҳисоботи ҳар хил манбалардан олинган маълумотлар базаси бўйича ўрганилади. Ҳисобот банкнинг жорий ҳолатини ва бир хил банклар гуруҳи билан таққослаш имконини бериши лозим. Бухгалтерия ҳисоботларини таҳлил қилиш мобайнида текширувчилар қўшимча таҳлил қилиш ва ўрганишни талаб этувчи фактларни юзага чиқариш имкониятига эга бўлиши лозим.

III боб бўйича хулоса

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, ички аудит текширувларида банкнинг капиталига Марказий банк томонидан ва халқаро назорат стандартлари томонидан белгиланган меъёрларга амал қилиниши алоҳида таъкидланади. Бироқ капиталнинг еталилигига қўйилаган меъёрдан икки ва уч баробар юқори даражада ушлаб туриш ҳам банк учун қанчалик ижобийлиги билан бир қаторда салбий оқибатлари тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазалари билдирилмаган. Шунинг учун аудит текширувлари ҳисоботларида банк капиталининг етарлилиги ва ликвидлик кўрсаткичларини, унга қўйилган меъёрлардан юқори даражада тутиб турилиши натижасида банк қандай иқтисодий йўқотишларга йўл қўйилаётганлиги ҳақида ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини алоҳида билидиришларини таклиф қиламиз.

Банк фаолиятининг натижаси шу банкда хизмат қилаётган барчаси ходимлар фаолиятининг натижаларидир. Инсон омилига унинг ўз вазифасига

масъулият билан ёндашганлиги ва жавобгарлиги нуқтаи назаридан қаралсагина, фаолияти натижаларига баҳо берилсагина ички аудит текширувлари банкнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Бу билан банкнинг ички аудит хизматининг банк бошқарувига иқтисодий жиҳатидан тўла мустақиллиги таъминланмаган. Банкда мавжуд ва фаолият кўрсатиб турган ички аудит хизмати ходимларини, танлаш ва лавозимга қўйишда, иқтисодий билимидан ташқари, банк кенгаши ходимлари суҳбатдан ўтиши билан бирга каттиқ психалогик тестдан ўтказилиши ва шундан сўнг ўз вазифасига тайинланишини йўлга қўйишни зарурлигини тақазо этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, банк фаолиятининг натижаси шу банкда хизмат қилаётган барчаси ходимлар фаолиятининг натижаларидир. Инсон омилига унинг ўз вазифасига масъулият билан ёндашганлиги ва жавобгарлиги нуқтаи назаридан қаралсагина, фаолияти натижаларига баҳо берилсагина ички аудит текширувлари банкнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун ҳар бир аудитордан, банк раҳбаридан юксак маънавият, ахлоқ, билим ва тажриба, ҳалоллик, ўз ишига садоқат билан хизмат қилиш талаб этилади.

Банкнинг фаолиятидан содир бўлиши мумкин бўлган хато ва камчиликларни олдини олиш ва ўз вақтида бартараф этиш мақсадида оператив аудитни, кунлик якуни бўйича аудиторлик текшируви хизматини тўғри ташкил этиш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва ўз навбатида ўз иш натижаларидан моддий манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида ойлик маошларини юқорилигини таъминлаш зарур.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш, аксиядорлар ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолияти тўғрисида аниқ, ишончли маълумотларга эга бўлишларида аудит текширувлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Аудит олиб бориш тартиби қонунлар, ҳукумат қарорлари ва идоравий йўл-йўриқлар билан тартибга солиб борилади. Мижознинг молиявий ҳолатини яхшилаш, инвесторлар, кредиторларни жалб етишга ёрдам беради, молия, солиқ ва бошқа соҳаларда маслаҳат беради. Аудит хулосаси барча жисмоний ва юридик шахслар учун, ҳокимият ва суд идоралари учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Тижорат банкларининг аудит хулосалари матбуотда эълон қилиниши лозим.

Ўзбекистонда банк тизими шаклланиш давридаёқ банк аудитини халқаро талабларга жавоб берадиган даражада ташкил етишга алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги пайтда тижорат банклари, авваламбор, Марказий банк томонидан диққат билан назорат қилиб бориш объекти саналадики, бу Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонунда ҳам ўз ифодасини топди. Қонуннинг 50-моддасида айтиладики, Марказий банк банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради.

Шунингдек, у банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва банк статистик ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банклар учун мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди. Бу қоидалар қуйидагилардан иборат:

- Банкларнинг ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларини олиш ҳамда текшириш, уларнинг фаолияти, шу жумладан операциялари тўғрисида ахборот сўраш ва олиш;
- Олинган ахборот юзасидан изоҳ талаб қилиш;

➤ Банклар, уларнинг филиаллари ва банк билан узвий боғланган юридик шахсларнинг фаолиятини текшириш ҳамда тартиббузарларга нисбатан санксиялар қўллаш;

➤ Банкларнинг ички аудити бўйича қўйиладиган талабларни белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ички аудитини ташкил қилиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш муаммолари комплекс илмий жиҳатдан ўрганиш ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда хорижий ривожланган тажрибаларга таяниб қўйидаги хулосаларга эришиш, таклиф ва тавсияларни илгари суриш имконини беради:

1. Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини мустақиллик йилларида барқарор ва молиявий жиҳатдан мустаҳкам ривожланиб келишига қарамай, баъзи бир тижорат банкларида молиявий назоратнинг таъсирчанлиги етарли даражада бўлмаганлиги ва ички аудитда молиявий қонунбузарликлар содир бўлаётганлиги ва унинг ҳақиқий сабаблари очиб берилмаётганлиги ҳолатлари учраб турибди. Уларнинг баъзи бир ҳолатлари такрорланиб турибди, оқибатда тижорат банкларининг акциядорлари етарли даражада даромад олаолмаётганлиги сабабли, банк бошқарувчиларидан ва бутунлай давлат назоратидан ҳамда унинг органлари функцияларидан қониқмаслик кайфиятлари келиб чиқмоқда. Шу жумладан, ички аудит хизмати функцияларидан ҳам.

2. Бизнинг фикримизча барча тижорат банкларининг барқарор фаолият юритишидан, унинг молиявий барқарорлиги ва мустаҳкамлигидан энг аввало давлатнинг миллий иқтисодиёти, қолаверса давлат бюджети ўз даромадларини мустаҳкамланишидан, акциядорлар сингари ёки бир қаторда манфаатдордир. Тижорат банкларининг ички аудит хизмати юридик жиҳатдан мустақил фаолият юритиб келаётганлигига қарамай, молиявий жиҳатдан улар барибир тижорат банклари бошқарув ва кўзатув аппаратига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам аудит хизматини тўлиқ мустақилик функцияси амалда таъминланмаяпти, оқибатда қатор салбий оқибатлар келиб чиқмоқда.

3. Республикамизда аудит тизимининг назарий ва ҳуқуқий асослари тадқиқ қилинди ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида ташқи аудит ўтказиш тўғрисида”ги Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар берилди;

4. Тижорат банклари маълумотларининг тармоқ орқали ички аудит текширувидан ўтказиш тавсия этилди. Жумладан, интернет орқали унинг барча филиаллари маълумотлари молиявий таҳлил қилиниши илмий асосланди. Бу банк ва аудиторлик ташкилотининг иш вақти ҳамда сафар харажатларини тежаш имконини яратади.

5. Тижорат банклари ички назорат тизимининг фаолияти ички аудит хизматининг асосий текширув объектларидан бири эканлигини инобатга олиб, ушбу тизим фаолиятини тўғри ташкил қилиш ҳамда ушбу жараёнда банк тизими бўлимларининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, уларга мажбуриятларни юклаш, фаолиятларига баҳо бериш, аудит хизмати самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар берилди.

Тадқиқот ишида қуйидаги илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тадқиқотлар натижасида аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилди. Жумладан, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолаш ва рейтингини аниқлашда тавсия қилинган миқёслилик, кадрлар салоҳияти, фаолиятни диверсификациялаш, имижни қўллаб-қувватлаш ва барқарорлик каби кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз.

2. Диссертацияда акциядорлик тижорат банкларида аудит текширувлари услубиёти ва механизмини такомиллаштириш мақсадида уни ўтказиш босқичлари белгилаб берилди. Тижорат банкларида, уларнинг ихтисослашуви ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аудиторлик

текширувини ўтказиш ва ташкил этишда ишчи хужжатларни такомиллаштириш керак деб топдик;

3. Тижорат банкларида ички аудит ўтказиш жараёнида аудит рискинни камайтириш мақсадида статистик монетар танлаш усули қўллаш мақсадга мувофиқдир. Уни молиявий ҳисобот элементларига қўллаб, халқаро аудиторлик ташкилотлари тажрибасида кенг қўлланилаётган капитал етарлилиги, активлар ва капитал рентабеллиги, актив ва пасивлар динамикаси, кредит портфелининг риск даражаси, кредит ва инвестиция портфели каби молиявий коэффициентлар асосида тизимли таҳлил қилиш ва кенг жорий қилиш керак деган фикрдамиз;

4. Тижорат банклари молиявий ҳисоботинини тузиш ва уни аудиторлик текширувидан ўтказишда халқаро стандартлардан кенг фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

I. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, янги тахрирда 2000 йил 26 май.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 2016 йил 13 апрель.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 4725- сонли Фармони

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» Қарори, 2007 йил 4 апрель.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори 2008 йил 2 июл.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» қарори, 2000 йил 22 сентябрь.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори, 2000 йил 24 март.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1317-сонли Қарори

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг

барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1438- сонли Қарори

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2344- сонли Қарори

1.14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги 1306–сонли Низом, 2004 йил 30 январ.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» № 773–17–сон 2004 йил 13 август.

1.16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги 1834–сон йўриқнома 2008 йил 11 июл.

1.17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 2696-сонли “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низоми.

1.18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 6 июлдаги “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2693 – сонли Қарори.

1.19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 августдаги 2709– сонли “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низоми.

1.20. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Тошкент: Ўзбекистон, - 2013 й.

1.21. Каримов И.А. “2014 йилнинг асосий яқунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маъруза . Тошкент: Ўзбекистон, 2015 й.

1.22. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 528 б.

1.23. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”.- Тошкент: 2016.-56б.

1.24. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак”.- Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017.-104б.

1.25. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017. – 48б.

1.26. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. –224 б.

1.27. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD – MOLIYA ”, 2009 й. – 548 бет.

1.28. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўқув қўлланма. –Т.: ТМИ, 2003.–305 б.

1.29. Адамс Р. Основы аудита, пер. с англ/под ред. Я.В.Соколова. - М.ЮНИТИ, 1995.СТ-398.

1.30. Андросов А. М. «Финансовая отчетность банка: практическое руководство по организации бухгалтерского учета и отчетности». - М. : Менатеп. - Информ, 1995. - 459 с.

1.31. Аудит банков. Под ред. Белоглазовой Г.Н., Кроливецкой Л.П., Лебедева Е.А., Учеб. пособие / - М. : Финансы-и статистика/, 2001. -352 с.

1.32. Allegrini, M, D’Onza, G., Raape, L., Melville, R, Sarens, G., (2006), The European literature review on internal auditing, Managerial Auditing Journal, 21: 845-853;

1.33. Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит, пер.с англ/. Под.ред. проф. Я.В.Соколова - М.: “Финансы и статистика”, 2001.ст-560;

1.34. Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. –М.: КНОРУС, 2008. – 768 с.

1.35. Банковское дело: Учебник/ под. ред. д.э.н. проф. Г.Г. Коробовой. – М.: Экономистъ, 2004. – 751 с.

1.36. Белоцерковский В.И., Федорова Е.А., Бухгалтерский учет и аудит в коммерческом банке. Учебник. М-ЗАО “Издательство Экономика” 2005-294с.

1.37. Бычкова С.М. Международные стандарты аудита. Учебное пособие.М.: Проспект, - 2008, 432.

1.38. Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методикаси. Монография. Тошкент: молия, 2011. -188б.

1.39. Гермасимова Е.Б., Мельник М.В. “Основы банковского аудита” Ўқув қўлланма/ Москва – 2008. 221 б.

- 1.40. Дефлиз Ф.Л., Дженик Г.Р., О'Рейли В.М.и др. Аудит Монтгомери, пер.с англ/под.ред.проф. Я.В.Соколова - М.: Аудит, ЮНИТИ, 1997. ст.-542;
- 1.41. Додж Р. Краткое руководства по стандартам и нормам аудита, пер.с англ/. М.: “Финансы и статистика”;
- 1.42. Дўсмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт: монография. Ўзбекистон Республикаси кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги; Тошкент Давлат аграр ун-ти. -Т: “Молия” нашриёти, 2007. -276 б.;
- 1.43. Дўстмурадов Р.Д. «Аудит асослари» Дарслик «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти -2003 й.
- 1.44. Ефремова Л.С., Купрюшина Т.А., Тамур И. И., Богданкевич О.А., Савчук Т.К. «Банковский аудит» /Ўқув қўлланма/ Минск-2007. 389 б.
- 1.45. Ибрагимов А.К ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. Тошкент, Молия. – 2010, 272б.
- 1.46. Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит: Монография. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси.-Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти, 2006. -262 б.;
- 1.47. Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби. Тошкент: Шарк. 2006-450 бет.;
- 1.48. Кармайл Д.Р, Бенис М. Стандарты и нормы аудита. Пер. с англ./ М-Аудит. ЮНИТИ, 1995;
- 1.49. Кеворкова Ж.А. Международные стандарты аудита: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры -М: Юрайт, 2014. -458 с.
- 1.50. Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари, Тошкент: ТМИ. 2004, -348б.
- 1.51. Международные стандарты аудита в Казахстане. В 2 том – Алматы: Раритет-2001. 372.
- 1.52. Международные стандарты аудита. Учебное пособие. /Жарилгасова Б.Т. М: КНОРУС, - 2008, 400.
- 1.53. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими –Т.: Ўзбекистон, 2001.–224 б.
- 1.54. Мусаев Ҳ.М. “Аудит” Дарслик. – Т. : 2003,
- 1.55. Наврузова К.Н., Каримов Н.Ф., Ортиқов У.Д. Банкларда бухгалтерия ҳисоби Т.: Давр нашриёти, 2012.
- 1.56. Норқобилов С, Ортиқов У, “Банк аудити”. Т.: 2004- 108 б.
- 1.57. Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. М.: Инфра–М, 2004. – 472 с.
- 1.58. Смиронова Л. Р. Банковский аудит : Учебное пособие для вузов/ Л.Р.Смиронова; Ред. М.И.Баканов. -М: Финансы и статистика, 2001. -448 с.

1.59. Тулаходжаева М.М, Илҳомов Ш. И. “Аудит”. Тошкент – “NORMA”-2008й.

1.60. Ҳасанов Б.А., Зокиров М.Ш., Алибаев З.А. Ички аудитни такомиллаштириш асослари, Тошкент, “Фан”, 2003. - 162 бет.;

1.61. Хамдамов Б.Қ. Аудит: умумий назария, Тошкент, ТМИ, 1999. 108 бет.;

1.62. Фадейкина Н.В., Болгова Е.К., Скурихин М.Н., Брыкин А.В. Банковский контрол и аудит. Учеб. пособие. -М: Финансы и статистика, 2002. -496 с.

1.63. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. М.ИНФРА-М, 2006.-448с.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1.Азизов Ш. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлаш методикасини яратиш масалалари. Т. :«Бозор, пул ва кредит», 2008. № 12.

2.2.Каримов Н. Банк тизими барқарорлигида ташқи назорат ва аудитнинг аҳамияти. Т. : «Бозор, пул ва кредит», 2006. № 1.

2.3.Каримов Н. Тижорат банклари ички аудити фаолиятида муҳимлик кўрсаткичи. Т. : «Бозор, пул ва кредит», 2006. № 6.

2.4. Каримов Н. Тижорат банкларда ички аудитни ташкил қилиш масалалари “Бозор, пул ва кредит” журнали. 2010 йил 10-сон.

2.5.Қурбонбоев Ж., Рузиев Н. Тижорт банкларида аудитни ривожлантириш. Т. : «Бозор, пул ва кредит», 2007. № 6.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

3.1. АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” йиллик ҳисобот маълумотлари

3.2.“Ahbor Reyting” рейтинг агентлигининг таҳлилий шарҳлари

3.3.Интернет сайтлари

- <http://www.cbu.uz>-(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)

- <http://www.gov.uz>-(Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали)

- <http://www.stat.uz>-(Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси)

- <http://www.lex.uz>-(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари

маълумотлари миллий базаси)